



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

31 (248) 2013 йил 14 август, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Истиқлолнинг илк кунларидан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, ёш авлоднинг замонавий дунёкарашини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.



Фарзанд тарбиясида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни катта. Зеро, бундай ўқув марказларда жажжи болажонлар билимдон устозлардан таълим-тарбия олади.



Ижодкор, фоторассом ижодида Она табиат ва ватан манзаралари, бахтли болалик портретлари, гуллар олами ва бошқа кўплаб мавзу ва жанрдаги ишлар ўрин олган.



## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## 5 МАЪНАВИЯТ

## 8 КЎЗГУ

### Хабарлар Хунарли ёшлар

Қорақалпоғистон Республикаси Амурдари туманида "Юртимиз келажаги билимли, хунарли ёшлар кўлида" деб номланган касблар фестивали ўтказилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида ўтказилган ушбу тадбирда ёш хунармандлар, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Маълумотларга кўра, 2013 йилда тумандаги 7 касб-хунар коллежини 2 минг 544 нафар йигит-қиз муваффақиятли тамомлади. Уларнинг 777 нафари ўқишни давом эттириш учун олий ўқув юртига ҳужжат топширган бўлса, 41 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида ўз бизнес режасини тақдим қилган. Ёш тадбиркорларга банклар томонидан жами 123 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

### Мактаб ярмаркалари

Янги ўқув йили арафасида Самарқанд вилоятидаги бозор ва савдо мажмуалари, таълим муассасаларида мактаб ярмаркалари иш бошлади.

Бугунги кунда вилоятдаги барча бозор ва савдо мажмуаларидан ташқари, туман маркази ва шаҳардан, бозорлардан узоқлиги ҳисобга олинган ҳолда 98 умумтаълим мактабида ҳам шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу савдо нуқталари орқали вилоятдаги 977 умумтаълим мактабида таҳсил олувчи 392 мингдан зиёд ўқувчи зарур махсулотлар етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун савдо корхоналари ва тадбиркорлар билан шартномалар тузилиб, кенглик микдордаги ўқув қуроллари, мактаб формалари савдога чиқарилмоқда.

### Шодиёналар маскани

Гулистон шаҳридаги "Анхор" шодиёналар маскани энг улуг ва энг азияз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида қайта таъмирланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу кунларда мажмуа қайта таъмирланмоқда. Ушбу маскани таъмирлаш ишларига қарийб 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Амфитеатрнинг сахна қисмида шаршара барпо этилаётган. Мажмуа 1850 ўринга мўлжалланган бўлиб, турли рангларда жиллаланган фавворалар ўрнатилган.

### Ўқув-семинар



## Аниқлик, холислик, сиёсий етуклик

партия матбуот котиблари ва тахририят ходимлари фаолиятида бош мезонга айланиши лозим

*Мустақиллик таровати юртимизнинг ҳар бир гўшасида манзил-манзил кезиб, юртдошларимизга байрам кайфияти улашишда давом этмоқда. Ушбу шукҳули кунларда мамлакатимиз аҳли қалбига байрамона руҳ олиб киради, ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутаяди. Истиқлолнинг ўтган 22 йиллик даври мобайнида мамлакатимиз эришган улкан ютуқларни таҳлилий тарзда ёрқин таъбири билан акс эттириш соҳанинг ҳар бир вакилидан алоҳида масъулият талаб қилади.*

Таъкидлаш жоизки, "Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритишда партия матбуот котиблари ва тахририят ходимларининг ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағишланган партиявий тадбирларни ОАВда ёритишда партия матбуот котиблари ва тахририят олдидан турган долзарб вазифалар" мавзусидаги ўқув-семинар айна шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Унда Ўзбекистон "Миллий

тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари матбуот котиблари, "Миллий тикланиш" газетаси тахририяти ижодий жамоаси, партия фаоллари, соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди: — Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёнасига яқинлаштирмоқда.

2-бет

### Муносабат

## Экспорт салоҳияти янада ошади

*Ўзбек халқи азалдан тадбиркорликни касб сифатида эъзозлаб, унинг барча турлари билан шуғулланиб, рўзгор тебратган. Бу анъана оилалар файзли турмуши, фаровон ҳаётининг гарови ҳисобланган. Қишлоқларда, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кичик тадбиркорлар ўз меҳнатлари эвазига маҳалла аҳлининг ҳам турмуши ободлигига ҳисса қўшганлар.*

Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур соҳада аждоқлардан қолган мерос — анъаналар қайта тикланиб, ҳатто чекка қишлоқларда яшовчи, кўпдан буён тадбиркорлик фаолиятини орзу қилиб юрган юртдошларимизга кенг йўл очиб берилди. Уларнинг самарали фаолияти нафақат ўз ҳудуди, балки бутун республикамиз аҳолиси турмуш тарзининг фаровонлашишига хизмат қилаётган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари қабул қилиниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларига турли имтиёзлар берилди.

Яқинда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Президенти Қарорининг эълон қилиниши соҳа вакилларига янада кенг имконият яратилишига замин бўлади,

2-бет

### Ташаббус ва самара

## Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва битирувчилар

билан боғлиқ масалаларни ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди

*Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриши ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкламоқда. Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларига электротар маънафатларидан келиб чиқиб ёндашиш, бевоасита аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, уларни маҳаллий кенгаш сессияларида ташаббус-масала сифатида киритиш халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳларининг асосий вазифаларидан биридир.*

— Партиямиз электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини ифода этувчи ва уларни ўйлантираётган масалаларни ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш депутатлик гуруҳлари олдидан турган долзарб масалалардан би-

ридир, - дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Қосимов. — Бу масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда депутатларимиз ташаббуси билан электротар маънафатларини ифода этувчи қатор масалалар халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига киритилди. Жумладан, "Соғлом ав-

лодни шакллантириш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш" ҳамда "Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш" масалалари ташаббус сифатида олиб чиқилди. Айтиш жоизки, депутатлик гуруҳимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар замирида инсон манфаатлари, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш вазифаси турибди. Зеро, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, баркамол авлодни шакллантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, энг асосийси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда барчамиз масъул ва жавобгармиз.

4-бет

### Ҳуқуқий эксперимент

*"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси нормаларини ҳуқуқий тажрибадан ўтказиш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида ишлаб чиқилди.*


## Қонун лойиҳаси нормалари синови

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ўқув-семинар



# Аниқлик, холислик, сиёсий етуклик

партия матбуот котиблари ва тахририят ходимлари фаолиятида бош мезонга айланиши лозим

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун ҳар бир юртошимиз яратувчанлик завқи, бунёдкорлик мақсади билан яшамокда. Энг улуг, энг азиз байрагимизнинг кенг нишонланишига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг турли даражадаги ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга интиломда. Жойларда ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда истиклол берган имкониятлар ва неъматлар тараннум этилмокда. Бу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда партия матбуот котиблари ва тахририят ходимлари зиммасига муайян вазифалар юкланади. Бугунги семинар ҳам бу жараёнда партия Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари матбуот котиблари, "Миллий тикланиш" газетаси тахририяти ходимлари ва вилоят мухбирларининг масъулиятини, сиёсий ҳуқуқий билимлари ва малакасини янада ошириш, тажриба алмашиш, партия Ахборот хизматининг ўтган давр фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, партия Дастури ва сайловолди Платформасида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини янада кучайтириш вазифаси белгиланган. Бунда партия журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконидо соғлом рақобатни, давлат ва шахсининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади, - деди пировардида партия етакчиси.

Семинарда партиявий тадбирларни ОАВда ёритишда партия матбуот котиблари ва тахририяти олдига турган долзарб вазифалар, ЎЗМТДП фаолиятининг телевидениеда ёритилиши, оммавий ахборот воситалари учун тайёрланган материалларда партия гоёси ва мафкурасини акс эттиришининг замонавий усуллари ҳамда оммавий ахборот воситаларида имиджоловий воситаларидан фойдаланишнинг психологик технологиялари каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўқув-семинарда мамлакатимиздаги мавжуд медиамакон имкониятларидан ЎЗМТДП гоёси ва дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилишда унумли фойдаланиш партия матбуот котиблари олдидоги устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

— ЎЗМТДПнинг оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ дастурий мақсад-вазифалари ижроси ҳолатини ўрганиш, партия Ахборот хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда бугунги семинарнинг аҳамияти бекиёс, - деди ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолоддин Сафоев. — "Миллий тикланиш" газетаси

ва партия веб сайти фаолиятига назар соладиган бўлсак, ҳозирги пайтда газетада партиянинг етакчи гоё ва вазифалари бўйича бир қатор тахлилий материаллар эълон қилинмокда. Партия депутатлик гуруҳларининг сессияларга киритаётган масалаларига бағишланган тахлилий мақолалар сони кўпайиб борапти. Бундан ташқари, дастурий мақсадлари ва гоёси ЎЗМТДПга яқин ва ўхшаш бўлган хорижий сиёсий партиялар тарихи, иш тажрибаси, электорати, широрлари, мақсадлари ҳақида ҳамда чет эл парламентлари тўғрисида мақолалар бериб бориш йўлга қўйилди.

Семинарда партия Ахборот хизмати ходимларининг касбий кўникма ва тажрибаларини ошириш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган интерфол машғулотлар ҳам ташкил этилди.

Тадбир якунида мутахассис ва экспертлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Кун тартибидоги барча масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди ва улар асосида ЎЗМТДП Ахборот хизматининг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

**Ўралои ТУРДИЕВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири:

— Тобора шиддат билан одимлаётган давр ижод аҳлидан касбий саводхонлики, тезкорлик ва фаоллики талаб этади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган қатор ўқув-семинарлардан кўзланган асосий мақсад ҳам партиянинг гоёлари, дастурий мақсад ва вазифаларини матбуот саҳифалари орқали ёритиб келаётган журналистлар, шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари матбуот котибларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилмокда.

Семинар доирасида партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг телевидение ҳамда босма нашрларда ёритилишида замонавий ва ноанъанавий усуллардан фойдаланишда аҳамият қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар хусусида фикр алмашилди. Энг муҳими, тадбир воситасида фаолиятимиз учун муҳим бўлган кўплаб янги гоё, таклиф ва тавсиялар олдик.

**Хайрулло ВАСИЕВ,**  
ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби:

— ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ҳудудий ташкилотларида оммавий ахборот воситалари билан ишловчи мутахассислар касбий кўникмаларини юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, партия гоёлари тарғиботининг янгича усуллари излаб топшиш мақсадида анъанавий тарзда ўқув-семинарлар ташкил этиб келинаётгани бу борада олдимизда муҳим вазифалар тургани, бугунги давр уларни амалга оширишининг замонавий технология ва усулларидан фойдаланишни тақозо қилаётганидан далолат беради. Бугунги семинар интерфол тарзда ташкил этилди. Соҳа мутахассислари ва тажрибали тренерлар иштирокидаги маъруза ва машғулотлар фаолиятимизга яна бир танқидий назар ташлашга ундади. Интерфол машғулотларда интервью бериш шартлари, тадбирларда ваколатли шахсларни интервьюга тайёрлашнинг самарали усуллари ўргатилди. Шунингдек, партия раҳбарининг ҳар биримиз билан юзма-юз суҳбатлашиб, фаолиятимизда учраётган камчиликлар, дуч келинаётган муаммолар хусусида фикр алмашгани ва келгусидаги муҳим вазифаларни белгилаб олганимиз айна муддао бўлди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири:

— Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли алоҳида белгиланиб, улар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Айна пайтда эса улар фаолияти шунга монанд тарзда такомиллаштириб борилмокда. Бугунги семинарда партияимизнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалари, дастурий мақсад ва вазифалар тарғиботининг босма нашрларда акс этиши, "Миллий тикланиш" газетасига материал тайёрлаш масалалари атрофлича таҳлил этилди. Қаламга олинаётган ҳар бир мавзуда журналистнинг сиёсий етуклик масаласи, холислик ва аниқлик бош мезон бўлиши алоҳида таъкидланди.

**Гулноза МУСТАФОЕВА,**  
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби:

— Бу алғи ўқув-семинар ноанъанавий тарзда ташкил этилгани билан аввалгиларидан фарқ қилди ва иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Айнақса, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ходимларининг "ЎЗМТДП фаолиятининг телевидениеда ёритилиши: камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари", партия наشري мухбирларининг "Миллий тикланиш" газетасига ҳудудий партия ташкилотларидан келаётган материаллар таҳлили" мавзусидаги тахлилий маърузалари аниқ фактларга асослангани билан эътиборимизни тортиди. Маърузаларда фаолиятимиз танқидий таҳлил этилди. Амалга оширишимиз лозим бўлган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

# Экспорт салоҳияти янада ошади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ушбу Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур қарор миллий брендимизни ривожлантириш, уларни экспортга етказиб беришни олға силжитиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши, бир сўз билан айтганда, жаҳон бозорларида чиқишни рағбатлантириб, зарурий шароит ва имтиёзлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП фракцияси Президентимизнинг мазкур қарорини мамнуният билан қарши олди. Боиси, партиямиз сайловолди Платформасида партия истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар қуришни асосий вазифалари сирасига киритган. Ушбу дастурий вазифаларни амалга оширишда Президентимизнинг мазкур Қарори дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

**Бахтиёр КЎШАКЕВ,**  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Курраи заминда истиқомат қилаётган ҳар бир киши миллати, тили, дини, ирки ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, яхши яшашга, фаровон турмуш кечиришга ҳақли. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, эзгу ва хайрли ишлардан кўзланган асосий мақсад ҳам овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу борада юртимизда аҳолининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмокда. Зотан, фаровон турмуш кечириш учун ҳар ким эркин касб танлаши, кулай меҳнат шароитларида ишлаши ва албатта, ишнинг сифатига яраша даромад олиши даркор. Шу хусусида сўз борар экан, истиқлол йилларида қадр ва эъзоз топган хунармандчилик, касаначилик беихтиёр кўз олдимизда намоён бўлади.

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган Қароридо соҳадаги ишларни изчил давом эттириш, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Шунингдек, бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришда ҳуқуқий қўмақ бериш, бу борада керакли шарт-шароитлар яратиш масаласига эътибор қаратилди.

Юртбошимизнинг мазкур қарори ЎЗМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шоғирд" анъанавий мураббийлик институтини замон талабларига мос тарзда бойитиш, бу соҳани янада тараққий этиши учун шароит-

лар яратишга кўмаклашиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлашда дастуриламал бўлади. Шу боис, юртимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларда барча даражадаги партия ташкилотлари фаоллик кўрсатиши шубҳасиз.

**Рустам ҚОСИМОВ,**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда улкан ўзгаришлар, муваффақиятлар қўлга киритилди. Айнақса, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг реал даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, турмуш ободлиги, авваломбор, оиланинг иқтисодий аҳолига боғлиқ. Шу боис юртимизда аҳолини оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунинг учун кулай шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий асослар яратилмокда. Жумладан, ўтган йили қабул қилинган ва ҳаётга татбиқ этилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун юртимизда асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тадбиркорлик фаолияти анъаналарини ўзида тўлик муҳассас этган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда давр талаби асосида барча муҳим жиҳатлар қамраб олинганки, бу — оилавий тадбиркорликнинг замонавий мезонлар бўйича тараққий этишида қўл келмокда.

Давлатимиз раҳбарининг Қарорига мувофиқ соҳанинг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Жумладан, "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет-эллардаги тендер савдоларида иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, "давра суҳбатлари" ва бошқаларни ташкил этиш йўли орқали мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш" маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорга янада кенгроқ чиқиш имконини беради.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Юртбошимизнинг мазкур қарори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иқтисодий соҳадаги устувор мақсади — соҳани эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, ички бозорни сифатли ва зарур маҳсулотлар билан тўлдирши, миллий хунармандчилик соҳасидаги кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатиши механизмининг янада соддалаштиришга кўмаклашиш каби вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлади.

**Баҳодир БОБОЖОНОВ,**  
ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси

Давра суҳбати

# Давлат бюджети кодекси

лойиҳаси муҳокама қилинди

*Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш, муҳокамадан ўтказиш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш ўзига хос ва мураккаб жараён ҳисобланади. Мамлакат тараққиёти ва истиқболли, амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан Давлат бюджетининг қай даражада тайёрлангани ва ижроси таъминланганига боғлиқ бўлади.*

Шу боис, Давлат бюджети мутасаддилар, депутатлар, сенаторлар иштирокида обдон муҳокама қилингандан, кўпдан-кўп таклиф-мулоҳазалар олингандан кейин қабул қилинади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган "Бюджет тизимининг қонунийлик асосларини янада такомиллаштириш: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси лойиҳасининг муҳокамаси" мавзусидаги давра суҳбатининг қизгин ва баҳс-мунозараларга бой бўлгани ҳам бежиз

эмас. Унда Молия вазирлиги, давлат бюджетидан фойдаланувчи давлат тузилмаларининг марказий ва ҳудудий ташкилотлари вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎЗМТДП фракцияси аъзоси, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси

раиси ўринбосари Сарвар Отамуратов Бюджет кодекси лойиҳасига доир таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

— Тақдим этилаётган Бюджет кодекси лойиҳасида унинг долзарблигини инобатга олган ҳолда асосий принцип ва йўналишларини янада кенгайтириш — долзарб масалалардан бири, - деди партия етакчиси. — Шунингдек, бюджетни қабул қилиш механизмининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари, бюджет буюрт-маларини тақдим қилиш жараёни, бюджет даромади ва харажатлари тартиби каби масалалар ниҳоятда аҳамиятлидир.

Давра суҳбати доирасида Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари билан бўлиб ўтган онлайн видеоқонференцияда Бюджет кодекси лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Истиқлол берган имкониятлар

партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг бош мавзусига айланди

### ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

**Ҳадемай юртимизда энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллиги кенг нишонланади.**

Байрам арафасида мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Чимбой туман Кенгаши томонидан ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси В.Ембергенова, жумладан, шундай деди: — Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан бўлмаган ҳаёт кечиретиш, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоян этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўйга чиқариши учун бекиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир. Халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз айёми — мустақиллигининг йиғирма икки йиллик шодиёнасини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда тантана қилиниши шубҳасиз. Жорий йилда ушбу кутлуг байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу гоя асосида нишонланади. Жумладан, партия худудий ташкилотларида ҳам шу шior остида мунтазам турли давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан демократик ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгилангани ва бу борада салмоқли қадамлар ташланганини таъкидлашди.

### ЖИЗЗАХ

**ЎзМТДП Ғаллаорол туман Кенгаши томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотчилари етакчилари ҳамда ижодкор зиёлилар иштирок этди.**

— Истиқлолимизнинг 22 йиллик айёми мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилишида чуқур маъно бора, деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Казаков. — Таъкидлаш жоизки, истиқлол гоғярига сadoқат туфайли жаҳон майдонида мамлакатимиз муносиб ҳурмат ва эътибор қозонди. Ўтган 22 йил давомида Республикаимизнинг барча жойларида бўлгани каби туманимизда ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Шаҳар ва туманлар, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражаси тубдан яхшиланди, янгидан барпо этилган замонавий мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари мустақиллик берган улуг неъматлардан бири эканлигини фахр билан тилга олмасликнинг иложи йўқ. Амалга оширилаётган бу каби янгиланиш ва бунёдкорлик ишларида партияимизнинг ҳар бир фаоли муносиб иштирок этишга интилаётгани, бунинг учун улуг давра барча шарт-шароитлар яратиб берилгани қалбимизни фахр ва ифтихорга тўлдирди.

Тадбир давомида ёш ижодкор шоирлар томонидан тақдим этилган ватанин мадҳ этувчи шеърлар йиғилганлар қалбиде она юртва бўлган муҳаббат туйғуларини яна бир қарра оширди. Айниқса, санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари барчаннинг кўнглигини хушнуд этди.

### ФАРҒОНА

**Партия Фарғона туман Кенгашида маҳалларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга бағишланган «Маҳалла — миллий қадрият» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳалланинг бугунги кунда тугган ўрни, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам маҳалланинг нуфузини ошириш борасида мақсад ва вазифалар белгиланган.

— Маҳаллада ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос услуби мавжуд, деди партия туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Неъматов. — Ушбу институтдаги ўзига хос тартиб-қоидалар ёшлар маънавиятида ҳимоя кўргани вазифасини ўтади. Халқимизга хос маънавий, миллий анъаналар ва қадриятларнинг ифодаси бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш вазифаси партияимиз фаолиятида ўзига хос ўрин тутди. Тадбир иштирокчилари ЎзМТДП ва маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбатида партия туман Кенгаши аъзолари, «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими фаоллари иштирок этди.

### СУРХОНДАРЁ

**ЎзМТДП Узун туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Мустақиллик — инсон қадр-қиммати, юксалишининг муҳим омили» мавзусида тадбир ўтказилди.**

Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Узун туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси У.Алиқулов бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оsoйишталик мустақиллик шарофати эканлиги ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: — Истиқлолимизнинг ҳар бир санаси тарих солномасида ёрқин саҳифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, халқимизнинг фаровон, тинч ва оsoйишта яшаётгани мустақиллик аталмиш неъмат туфайлидир. Шаҳримизда ажодларимиз томонидан бунёд этилган бетакор обидалар мустақилликдан сўнг қайта тикланди ва сайқал топди. Шу ўринда қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги ишларга ЎзМТДП ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Тадбир иштирокчилари мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тўмарис АЪЗАМ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

### Тадбир



## Минтақавий ёшлар форуми

янги фикр ва гоғяларга бой бўлди

лий санъатининг барча турларини ривожлантириш орқали хунармандларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначилар учун махсулотлар кўргазма-савдосини ташкил этиш партиянинг дастурий мақсад вазифаларидан саналади.

Форумда сўз олган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мунира Қориева партия ўз сафига Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажага ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиришини алоҳида таъкидлади.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, миллий гоғя

ва мафкура асосида ёшларнинг маънавиятини янада бойитиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари орқали ёшларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, миллий хунармандчилик ва «устоз-шогирд» мактабини ривожлантириш йўли билан ёшларни

касб-хунарга йўналтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу форум ёшлари онг-у шуурида ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва сadoқатини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Партия-

миз уларнинг эзгу истакларини

#### Махлиё ХОДЖАЕВА,

**ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:**

— Истиқлолнинг илк кунларидан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, ёш авлоднинг замонавий дунёқарашини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айни шу эътиборнинг натижаси ўларок, тенгдошларимиз ҳар бир соҳада фаол иштирок этиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партия «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказиб келинаётган «Озод юртининг — обод гўшаси» акцияси, «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида» номли кўрик-танлов, «Миллий халқ ўйинлари» фестивали, туркум учрашувлар, очиқ мулоқотлар, тадбирлар ҳамда форумларда асосий эътибор партия сафидаги ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ҳақиқий иштирокчиси қилиб тарбиялашга қаратилмоқда.

#### Бунёд ЛУҚМОНОВ,

**ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси:**

— Бугунги форум энг улуг ва энг азиз байрам — давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ташкил этилгани ёшларга байрамона кайфият улашди. Форум доирасида тенгдошларимиз билан баҳс-мунозараларга киришиб, ўзаро тажриба алмашидик, янгидан янги фикр ва тақлифларни ўртага ташлаб, аниқ ҳамкорлик ишларини режалаштирдик. Бугунги таассуротлар эртанги фаолиятимизда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

#### А.ЧИМИРЗАЕВ,

**Ш.ДАМАНОВА,**

**«Milliy tiklanish» мухбири**

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши матбуот котиби

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## ДЕПУТАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

куйи бўгин фаолияти самарадорлигида муҳим омили бўлаётди

**Сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда, энг аввало, асосий таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўймоғи лозим. Шундагина аҳолига энг яқин ҳисобланган куйи бўгинлар орқали электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлаштириётган масалаларни ўраниш ва ҳал қилиш учун янада қулай имкон туғилади. Боси аҳолини ўйлаштириётган масалаларни юқори партия ташкилоти ҳамда партия депутатлик бирлашмаларига етказиш куйи бўгинлар зиммасига юкланган бўлиб, улар қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, мақсад-вазифалар ижроси ҳам шу даражада таъминланади.**

ЎзМТДП Олтинкўл туман Кенгаши тасарруфидеги бошланғич партия ташкилоти 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 10 нафар аъзо билан иш бошлаган эди. Ҳозир улар сони 90 нафарга етди.

— Туманимизда жами 31 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, улар орасида мазкур куйи бўгин энг фаол ташкилотлардан биридир, деди партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Муҳаррам Ҳамралиева. — Хусусан, бошланғич партия ташкилоти билан халқ депутатлари туман кенгашига партияимиздан сайланган депутатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик электрот манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътироф этиш жоизки, депутатлар иштирокида ташкил этилаётган тадбирлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб қилишга қаратилган билан эътиборлидир. Бу иштирокчилар қизиқишига сабаб бўлиб, партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зилола Тоштемирова бошчилигида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар куйи бўгиннинг ижобий натижаларга эришишида муҳим омили бўлмоқда. Айниқса, маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар аралашуви билан фуқаролар муурожаатлари ижобий ҳал қилинаётгани электрот манфаатларини ҳимоялаш, шу билан бирга аҳоли ўртасида ЎзМТДП нуфузининг ортишига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган 10 нафар кишига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан

турли кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатилди. Бу сайёҳаракатлар партия дастурий мақсадлари билан бирга «Обод турмуш йили» давлат Дастури ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарвоқе, куйи бўгинда «Обод турмуш йили» давлат Дастури доирасида «Менин оилам - менин бахтим», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Биз буюк юрт фарзандларимиз» каби мавзуларда тадбир ва кўрик-танловлар ўтказиб келинапти. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ватанпарварлик, миллий гоғя содиқлик, миллий-тарихий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида, замонавий гилимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда БПТ ва партия туман Кенгаши ҳамкорлигида «Сиз қонунни биласизми?», «Заковат», «Биз озода юрт фарзандларимиз», «Бўлажак депутатлар», «Ёш сиёсий билимдонлар», «Қувноқлар ва зукколар» каби кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

— Куйи бўгинимиз ташаббуси билан коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда, деди БПТ етакчиси Зилола Тоштемирова. — Жумладан, фаолларимиз ташаббуси билан БПТ қошида «Ёш оила қурувчилар мактаби» клуби ташкил этилган бўлиб, унда худуд ёшлари фаол иштирок этиб келмоқда. Улар иштирокида тузилган жамоа вилоятда ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби» кўрик-танловида биринчи ўринни кўлга киритди. Кўрик-танловда ёш оила қурувчиларнинг сиёсий, тиббий, маънавий саводхонлигини оширишга, эрта оила куриш оқиба-

тида юзага келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Бу амалий ишларини ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган «Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари» деган гоғяга асосланган. Шунингдек, мазкур гоғя асосида ёш келинлар ва тажрибали устозлар иштирокида доимий равишда давра суҳбати ташкил қилишни режалаштирялмиз.

Мазкур куйи бўгиннинг самарали фаолият олиб бориши учун барча шароитлар мавжуд. Яъни, БПТ учун махсус хона ажратилган бўлиб, партия туман Кенгаши билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Туман Кенгаши томонидан бошланғич ташкилот ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланган. Куйи бўгин фаолиятини янада жонлантириш мақсадида туман партия Кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 6 та давра суҳбати, 2 та ўқув-семинар, 3 марта фаоллар йиғилиши ўтказилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиқидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишга ҳар томонлама кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда ҳам мазкур бошланғич партия ташкилоти фаоллари жонбозлик кўрсатиб, тарихий масканлар, қадимий қадамжоларни асраш,

#### Сарвар НАЗАРОВА,

**бошланғич партия ташкилоти фаоли:**

— Бошланғич партия ташкилотимиз ўз фаолияти давомида партия гоғя, мақсад ва вазифаларини асосий дастуриламал қилиб, мамлакатимизда маънавий йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнига ўз ҳиссасини қўшишга интиломоқда. Ҳар бир тадбир ва амалий ишларда фаол иштирок этиб, маслакдошларимиз сафи кенгайишига ҳаракат қилаёلمиз. Масалан, биргина Октепа ёдгорлигида ўтказилган акция доирасида бир гуруҳ ёшлар партияга аъзо бўлиш истагини билдиришди. Бундан ташқари иштирокчилар миллий қадриятларимизни, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган ёдгорликларимизни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, янги боғлар, гўлзорлар яратиш бўйича вазифаларни белгилаб олдилар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Албатта, бу сайёҳаракатлар замирида партияимизнинг дастурий вазифалари ижросини таъминлаш мақсади ётади.

#### Хайрулла ВАСИЕВ,

**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши етакчи мутахассиси, Мухтарама КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

Ташаббус ва самара

# Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва битирувчилар

билан боғлиқ масалаларни ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқарор авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши жойларда ушбу масаланинг янада чуқурроқ ўрганилишига замин яратди.

Соғлом авлодни шакллантириш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масаласини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди. Мазкур масала кенгаш қарори билан тасдиқланди. Унга кўра, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ҳамкор ташкилотлар билан бирга аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, белгиланган чора-тадбирларнинг аниқ ва ўз вақтида бажарилишини назоратга олиш, маҳалла ҳамда таълим муассасаларида соғлом оилани шакллантиришни кенг тарғиб қилиш ва аҳоли ўртасида тиббий саводхонлиқни ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган.

— Депутатлик гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига янада кенгроқ тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади, - дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбаев. — Сессияда сўзга чиққан бошқа сийёсий партиялар депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ушбу масала бугунги кунда долзарб эканини таъкидлашди. Шу боис, оилавий поликлиника-

лар бош шифокорлари, патронаж ҳамширалари, тиббиёт бирлашмалари ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси ва маслаҳатчилари билан биргаликда ҳар бир оилага кириб бориб, улар билан суҳбатлар уюштириш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Шунингдек, никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишларида касаллик аниқланган ҳолатларда уларни ўз вақтида даволанишга юбориш, шундан сўнг уларни қонуний никоҳдан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу ишга ФХДБ ходимлари, тиббиёт бирлашмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари жалб этилган. Қатор ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда туман, шаҳар ва маҳаллаларда ташкил этилган Ишчи гуруҳлари аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ҳамда жисмонан ва ақлан барқамол авлодни тарбиялаш борасида юзга келаяётган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий савб-ҳаракатларни бошлаб юборишди, - дейди О.Жиянбаев.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда партия ҳудудий кенгашлари билан бир қаторда депутатлик гуруҳлари ҳам изчил ва самарали фаолият кўрсатиши лозим. Депутатлик гуруҳлари бирор масалани маҳаллий кенгаши сессияларига олиб чиқш ва қарор қабул қилинишидан олдин унинг кейинги тақдирини ҳақида ҳам уйлалари зарур. Ҳақиқат, бу масала электрорат манфаатларини қай даражада ифода этади, қарор қабул қилингандан сўнг унинг амалий натижаси талаб даражасида бўладими, деган саволлар атрафиди ҳам фикр юритиш лозим. Эро, сессия қарорлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш депутатлар зиммасидаги вазифа эканини унутмаслик даркор.

Ш.МИРЗАЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳуқуқий эксперимент

# Қонун лойиҳаси нормалари синови

демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам

жойлаштириш масалаларини тартибга соладиган ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг улар фаолиятига доир ахборотдан фойдалана олиши учун махсус хоналар ва жойлар ажратилиб, жиҳозланди. Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-кутубхона ва архив фондалари ҳақида хабардор этилди. Энг муҳими, ушбу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Эътиборлиси, ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш учун ихтирослаштирилган интернет веб-сайт ([www.legal.experiment.uz](http://www.legal.experiment.uz))нинг фаолияти йўлга қўйилди. Унда ҳар бир фуқаро қонун лойиҳаси синови қандай амалга оширилягани билан боғлиқ жараёнда ташкилотлар билан ҳамкорликда туман, шаҳар ва маҳаллаларда ташкил этилган Ишчи гуруҳлари аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ҳамда жисмонан ва ақлан барқамол авлодни тарбиялаш борасида юзга келаяётган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий савб-ҳаракатларни бошлаб юборишди, - дейди О.Жиянбаев.

Ҳар икки вилоятда ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари ахборотлар жойлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма ахборот тақдим қилиш, ОАВда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳақидаги ахборотни ёритиш, фуқаролар ва тадбиркорлар субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очик мажлисларида иштирок этиш умумий фойдаланиш жойларида ва биноларда

халқаро давра суҳбатлари яқунлари бўйича қонунни такомиллаштиришга доир тақлиф ҳамда тавсиялар умумлаштирилди. Дастлабки натижаларни таҳлил қилар эканмиз, эришилаётган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, аксарият давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг қонун лойиҳаси талаблари даражасида эмаслиги, ҳаттоки айрим идора ва муассасаларда ҳанузгача ахборот хизматлари ташкил этилмагани, журналистлар иштирокида матбуот конференциялари, брифинглар, очик мулоқотлар сингари тадбирлар ўтказиб боришга эътиборнинг сустигли, баъзи давлат органларининг веб-сайтлари ташкил этилмаганлиги, мавжудлари ҳам талаб даражасида эмаслиги каби

жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интервьюлар, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлигини комплекс баҳолаш назарда тутилган. Бу жараёнда биз депутатлар олдида ҳам муайян вазифалар турибди. **Биринчидан**, ушбу қонун нормаларини жойларда, хусусан, Бухоро ва Самарқанд вилоят ҳокимликлари фаолияти жараёнида ҳаётга жорий қилишнинг процессуал механизмлари амалиётга татбиқ этилиши ва нормалар самарадорлигини ўрганиб чиқиши миз керак. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бирга оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар фаол иштирок этиши кўзланган натижага эришишга йўл очади.

**Иккинчидан**, қонун лойиҳасининг янада ҳаётлигини синовдан ўтказиб, эксперимент

**Бухоро ва Самарқанд вилоят ҳокимликлари ва ташкилотларида ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Вилоят ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг вакиллари иштирокида оммавий ахборот воситалари учун мунтазам равишда брифинг, матбуот анжуманлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Кўрсатилган ахборот хизматлари ишининг моддий-техник таъминоти намунали йўлга қўйилган. Мазкур вилоятлар ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимлари билан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш мақсадлари, вазифалари ва қондалари ҳақида тушунтириш (инструктаж) ишлари амалга оширилди. Самарқанд вилоятда инструктор семинарлари ўтказиш жадвалига мувофиқ ҳуқуқий эксперимент субъектлари алпарат ходимларининг 985 нафари, Бухоро вилоятида эса 860 нафари семинарларга жалб қилинди. Улар орасида давлат бошқаруви органлари ва ахборот хизматлари раҳбарлари, ходимлари, канцелярия масъул ходимлари, веб-сайтлари юритиш учун масъул шахслар иштирок этди.**

ҳолатларга дуч келинмоқда. Айни кунда лойиҳа тарғибининг иккинчи, таъбир жоиз бўлса, асосий босқичи давлат этмоқда. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ахборотдан фойдаланувчилар фаолиятини экспериментни ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил этиш кўзда тутилган. Қолаверса, бу босқичда ҳокимият, бошқарув тузилмалари фаолияти очиклигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакллари ва усуллари амалиётда синовдан ўтказилиб, маромига етказилиши олинади. Шу жумладан, ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга ошириш масалалари ва

жараёнида нормаларни янада такомиллаштириш, унинг процессуал механизмларини аниқлаб бериш ва энг муҳими, бугунги кунда мавжуд демократик принципларга қай даражада мос келишини назорат қилиш вазифаси турибди. **Учинчидан**, қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан унинг самараси, натижаси бугунги кунда демократик жараёнларга, хусусан, мамлакатимизда ахборот воситаларида унинг шифофлиги ва очиклигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий эксперимент ўтказиш самарадорлигига салбий таъсир эта-

тижаларига кўра, 2013 йил иккинчи чорагида ҳуқуқий экспериментга бағишланган 400 дан ортиқ ахборот материаллари эълон қилинган. Бироқ бу етарли даражада, деб бўлмади. Шу билан бирга, Президент Фармойишида алоҳида белгиланганидек, ижтимоий сўровлар ўтказиш самарадорлиги масалаларига катта эътибор қаратишимиз зарур. Хусусан, ушбу тадқиқотлар ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олишини ташкил қилиш шароитларидан қониқлиши ҳолатини ўрганишга қаратилиши лозим.

Олим ЎСАРОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

**Бугун Ўзбекистонимизда чет тилида сўзлашиш одати ҳола айланган. Мамлакатимизга таширф буюраётган кўлаб хоржий мейхоналар ҳам ҳамюртларимиз билан қийналмасдан мулоқот қилмоқда.**

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Негаки, айни пайтда ота-оналар фарзанди болалигидан бирор хоржий тилини ўрганишига алоҳида эътибор бермоқда. Эро, тил билганга кенг дунё, деган нақл бежиз айтилмаган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилдан эътиборан барча таълим муассасаларида чет тилини ўрганишнинг янги тизими жорий этилди. Телевидение орқали инглиз тилида турли илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатувлар, хоржий бадиий ва мультпликацион фильмлар, янгиликларнинг умумтазам намойиш этилаётгани ҳам бу борада катта ёрдам бермоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ўрганилиши тилда намойиш этиладиган кўрсатувларни томоша қилиш маҳоратли таржимон учун ҳам, тилни энди ўрнаётганлар учун ҳам бирдек фойдалди. Бугунги кунда хоржий тилини яхши ўзлаштириш учун ўқув материалларидан фойдаланишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун сўз бойлигини янада ошириш, тўғри талаффуз қилиш, оғзаки нутқни яхшилаш ва дунёқарашни кенгайтириш имконини берадиган

жонли мулоқот воситасидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Шу жиҳатларни эътиборга олган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси болалар ва ўсмирларга чет тилини ўргатишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бугун давлат телерадиоканаллари катталар ва болаларнинг чет тилини самарали ўрганишига бағишланган телекўрсатувлар, фильмлар, мультфильмлар, кўнглочлар ва ахборот дастурларини эфирга узатмоқда. Масалан, жорий йил бошидан "Ўзбекистон" телерадиоканалида давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарориде белгилаб берилган мақсад ва вазифалар муҳокамасига бағишланган "Муносабат" ток-шоуси ташкил этилди. Ушбу кўрсатувнинг ўзига хослиги шундаки, унда турли соҳа вакилларининг иштирок этиши бу борадаги долзарб масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш имконини бераётди. Баҳс-мунозарарага Ўзбекистон учун ҳам, тилни энди ўрнаётганлар учун ҳам бирдек фойдалди. Бунинг кунда хоржий тилини яхши ўзлаштириш учун ўқув материалларидан фойдаланишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун сўз бойлигини янада ошириш, тўғри талаффуз қилиш, оғзаки нутқни яхшилаш ва дунёқарашни кенгайтириш имконини берадиган

Қарор ва ихро

# ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ



лаштиришга қаратилган янги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида билиш мен учун фойдаланиш ва қизиқарлидир, - дейди поштахтимиздаги ўқув маркази инглиз тили ўқитувчиси Гулнор Низомова. — Баҳс-мунозарарада турли вазирлик мутахассислари иштирок этиб, чет тилини ўқитиш жараёнига киритилаётган янгиликлар ҳақида сўзлаб бергани, айниқса, эътиборимни тортиди. Бу янгиликлар ўқувчиларга ахборотни қай тарзда етказиш ва уларнинг инглиз тилини ўрганиш самарадорлигини ошириш учун ўқитиш жараёнига қизиқарли телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Мақтабгача ёшдаги болалар учун намойиш этилаётган "Эртаци бо-

лажонлар" кўрсатувиде эртаци, телатраштирилган саҳна кўриниши ва шерь айтиш ёрдамида болалар инглиз тили алифбосини ўрганмоқда. Бошлангич ва ўрта синф ўқувчиларига инглиз тилини ўрганиш учун "Катта таанафус", "Менинг инглизча лугатим", "Кувнок тест", "Инглиз тили ёшлар учун" ва бошқа кўрсатувлари томоша қилиш тавсия этилади. Болалар учун янги "Болажон" рақамли телевизион каналиде ҳам инглиз тилида бир қатор кўрсатувлар тайёрланган. Ушбу каналда болалар учун махсус телевизион ўқув дастурлари тайёрланмоқда, хоржий тилларда бадиий, кўнглочлар ва маърифий, мультпликацион фильмлар намойиш этилмоқда. 2013 йил 1 июлдан болаларнинг чет тилини ўрганишга қизиқшини оширишга ёрдам берадиган "Инглиз тили сабоқлари", "Чин дўстлар", "Алифбо юлдузлари" кўрсатувлари эфирга узатилмоқда. — Инглиз тилидаги кўрсатувларни томоша қилиш болажонлар учун қизиқарли, негани, бу кўрсатувлар рангларининг уйғунлиги, интерфаоллиги ва жонийбадорлиги билан ажралиб туради, - дейди Тошкент шаҳридаги 342-мактабгача таълим муассасасининг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Гулхера Тохирова. — Маҳаллий телеканаллар орқали

намойиш этилаётган ушбу кўрсатувлар болалар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Айниқса, улар инглиз тилидаги мультпликацион фильмларни севиб томоша қилади. Болажонлар мультфильм қаҳрамонларининг сўз ва ҳаракатларини такрорлаб, сюжетни эслаб қолишга ҳаракат қилади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт билан шугулланиш маданиятини ривожлантириш ва миллий спорт турларини оммавийлаштиришга хизмат қилаётган "Спорт" телерадиоканалида инглиз тилида "Болалар тили ёшлар учун" ва бошқа кўрсатувлари томоша қилиш тавсия этилади.

Ташкиллаш жоизки, янги ташкил этилган "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" рақамли телеканаллари ҳам хоржий тилларни кенг тарғиб қилишга ўз хиссасини қўшмоқда. "Маданият ва маърифат" телеканали халқимиз маънавий янада юксалтириш, ўсиб келаяётган ёш авлодининг илмий кашфиётлар, билим олиш ва маданий меросимизни ўрганишга қизиқшини оширишга ёрдам бермоқда. Инглиз тилида илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурлар тайёрланаётгани телеканалнинг ўзига хос яна бир хусусияти бўлиб, "Кувнок дарс", "Инглиз тилида гаплашамиз", "Миллий таълим", "Кичкинтойлар" каби телекўрсатувлар шулар жумласидандир.

Мисол учун, яқинда эфирга узатилган "Миллий таълим" туркум кўрсатувлари поштахтимиздаги Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги академик лицей фаолиятига бағишланган. Кўрсатувнинг кейинги сонларида муаллифлар мамлакатимиздаги инглиз тилида фаолият юритаётган бошқа таълим муассасалари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Халқаро ҳамжамият ва мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистоннинг ноёб туризм салоҳияти, экотуризм имкониятлари ва унинг ждал ривожланиш бораётгани билан яқиндан таништириш, илмий-оммабоп ва маърифий дастурларининг ривожланишига бағишланган кўрсатувлар тайёрланган асосий мақсад қилиб қўйган "Дунё бўйлаб" телеканали «Children and nature» («Болалар ва табият»), «English for you» («Инглиз тили сиз учун») каби ва бошқа кўрсатувларни томоша қилишга эътиборига ҳавола этиб келмоқда. Чунончи, «Children and nature» телекўрсатуви турли мамлакатлар тарихи, халқининг ҳаёти, ҳайвонот ва наботот оламига бағишланган. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидан маълум қилишларича, турли мазгавларга оид телекўрсатувлар янада кўпайтирилади ва бу, шубҳасиз, болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагиларнинг чет тилини ўрганиш самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири

## Мулоҳаза



(Ў.А.) оқибат сурати.

# Мактабгача таълим ўқув марказлари

фарзандларимиз келажак учун муҳим...ми?

*Хар бир ота-она фарзандини келажакда баркамол инсон, интеллектуал етув шахс бўлишини хоҳлайди. Бунинг учун қўлидан келган барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қилади. Яхши болалар боғчаси, намунали мактаб, кейин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юрти. Фарзанднинг бу босқични энг замонавий шаклда ўташиши, энг билимдон устозлардан сабоқ олишини истамайдиган ота-она бормикан, аслида.*

Ҳаётимиз доимий ўзгариш ва юксалишларга бойиб бораётган бир пайтда таълим тизимининг янги-янги имкониятлари буй кўрсатмоқда. Қўшингиз ёки қариндошингиз фарзандини мактабгача таълим ўқув марказига олиб бораётгани балки сизнинг ҳам қўлогингизга чалингандир. Пойтахтимиз ва айрим вилоятларнинг марказларида ташкил этилаётган бу каби мактаблар ҳақида хабардормисиз? Фарзандларимизнинг камолотида бу мактабларнинг аҳамияти қандай? Юртдошларимиз ушбу мактаблар фаолиятига қандай муносабатда? Бу саволларга жавоб олиш мақсадида юртдошларимиз ва соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

Учинчи гуруҳда ана шу предметлар 7 ёшли болаларга ҳам ўргатилади.

Ўқув марказимиз ўқитувчиларининг барчаси олий маълумотли, юқори малакали педагоглар. Уларнинг маҳорати, болалар билан тил топиша олиши ва талабчанлиги боис ота-оналар биздан мамнун. Ўқувчиларимиз мактабга қабул қилиш имтиҳонларидан аъло баҳо олиб чиқишаётгани бизни қувонтиради.

Мактабгача таълим ўқув марказимизда нархлар барчани қониқтира олади, деб айтиш мумкин. Ниятимиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб, дунё билан юзлаша оладиган кадрлар қилиб тарбиялашга оз бўлсада ҳисса қўшиш.

## “ХАТТОКИ КАТТАЛАРНИ ҲАМ ХАЙРАТГА СОЛАДИ”

**Феруза ЖАЛИЛОВА, уй бекаси:**

— Қўзим ва ўғлимнинг келажакда ҳақида ҳозирданок қайғураман. Улар ўзлари танлаган соҳанинг билимдонлиги бўлишларини хоҳлайман. Улар болалар боғчаси ва шаҳримиздаги хусусий мактабгача таълим ўқув марказларидан бирига боришади. Ҳафта давомида боғчада ўрганганларини ақшанбалик мактабда мустаҳкамлашади. Уларни дарсларга олиб бориш, бевосита дарс жараёнини кузатиш ўзимга ҳам завқ бағишлайди. Уларнинг кундан-кунга тиллари бийрон, зехни ўткир бўлиб бораётганидан қувонаман. Айниқса, тенгдошлари орасида ўзгача фикрлаш, мантикий саволларга ўйлаб, тўғри жавоб бериши ҳаттоки катталарни ҳам хайратга солади. Бундай мактабларнинг шахримизда кўпайишини ва ҳамма учун қониқарли нархларда иш олиб боришини хоҳлардим. Ёшлиқда олган билим тошга уйилган нақш кабудир, деб беҳиз айтмаган доно халқимиз. Болаларимиз келажакдаги ҳозирданок эътибор қаратмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

## “ОТА-ОНАЛАР — БИЗДАН МАМНУН”

**Камола ИБРАГИМОВА, Тошкент шаҳридаги “Катта танафус” мактабгача таълим ўқув маркази раҳбари:**

— Мутахассислигим — филолог. Талабалик пайтларимданок болалар билан ишлаш, уларнинг руҳияти билан яқиндан танишишни хоҳлардим. Ёшлиқда олган билим мен 2008 йили “Катта танафус” ўқув-марказини ташкил этишга ундади. Дастлаб марказда инглиз тилидан дарс бера бошладим. Марказимизга бўлган талаб ортиб, ўқувчилар сони кўпайиши билан бирин-кетин янги йўналишларни очдик. Айни пайтда мактабгача таълим ўқув марказида мактабгача таълим, инглиз тили, рус тили, логопед, пазандачилик ва тўқувчилик йўналишлари фаолият юргатмоқда. Айнан мактабгача таълим йўналиши ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу йўналиш уч гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳ — 3 ёшдан 4 ярим ёшгача бўлган болаларга ёзиш, ўқиш, математика, нукт ривожлантириш, мантиқ ва эркин машғулот предметлари ўргатилади. Машғулотлар ўзин тарзида ўтказилади. Кейинги гуруҳда 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун математика, ёзиш, ўқиш, нукт ривожлантириш, мантиқ, эркин машғулот ва инглиз тили бўйича машғулотлар олиб борилди.

## “БИЗ УЙДА ЎРГАНАМИЗ”

**Гўзал ЭРГАШЕВА, ўқитувчи:**

— Икки нафар фарзанднинг онасиман. Албатта, мен ҳам болаларимнинг ақли-хушли бўлиб вояга етишини, келажакда етув кадр бўлишини истайман. Бунинг учун шароит ҳам яратишга ҳаракат қиламан. Улар Жаззх туманидаги 13-мактабгача таълим муассасасига боришади. Боғча ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланган ва барча шароитларга эга. Эрталабдан ўғилларим боғчага ошиқадилар. Боғча опасининг меҳрибонлиги сабабми, боғчага боришдан ҳеч қачон бош тортишмаган. Чунки болалар у ерда ўзлари қизиққан машғулотлар билан банд бўлишади, спорт тўғрисидаги иштирок этишади. Аммо, шунга қарамадан улар шанба кунини интизорлик билан кутишади. Бунинг сабабини сўраганимизда дам олиш кунлари биз учун байрам, чунки сиз ва дадам ёнимизда бўласиз, бу бизга ёқади, дея жавоб беришади. Хар кун кечқурун ўйин тарзида рус ва инглиз тилини ўргатишга ҳаракат қиламан. Бир кунда тўртта сўз ёд олишга келишиб олганимиз, бу фарзандларимга ҳам қизиқарли, шу боис ҳоли жонимга қўймасдан ўргатишимни талаб қилишади. Фикримча, ҳафта давомида боғчада бўлган болаларимизни дам олиш кунлари ҳам яқинбалик мактабларига берсак, орзиқиб кутадиган кунларни ҳам уларга раво кўрмасак, бемехрлик қилган бўлмаймизми? Яқинбалик мактаблари ўргатадиган машғулотларни бир-икки соат вақт ажратиб, ўзимиз шуғуллансак, боғча ёшидаги бола учун етарли бўлади, деб ўйлайман.

## “ҲАММАСИ БОЛАНГИЗНИНГ ИМКОНИЯТИГА БОҒЛИҚ”

**Ганжи БЕРДИЕВ, психолог:**

— Мактабгача ёшдаги болаларни бир вақтда турли тўғарақларга қатнаши уларнинг жисмоний, психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдими, деган савол барча ота-оналарни безовта қилади. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар бу муаммонинг ўзига хос томонларини аниқлади. Яъни болаларда у ёки бу йўналишга, соҳага, тилга қизиқишининг мавжудлигини ўрганиш энг асосий омилдир. Агар болада қизиқиш бўлмаса-ю, ота-она уни бу машғулот билан шуғулланишга мажбур қилса, бу бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Аммо, уни тўғарақларга бир неча марта олиб бориб синаб кўриш, ундаги қизиқишларни очишга ёрдам беришини ҳам унутмаслик зарур.

Иккинчидан, болани турли тўғарақларга жалб этишда унинг психологик, жисмоний ва асаб тизимининг имкониятларини эътиборга олиш лозим. Айрим болалар тез чарчаб қолади. Бу уларнинг кучи, асаб тизими ва туғилиш жараёни билан боғлиқ. Боланинг имкониятларини инобатга олиш фойдадан холи эмас. Аммо шундай болалар борки, улар туғма қобилият эгаси бўлишади. Уларда қизиқиш, куч етарли бўлади ва ҳамма нарсанинг уйдасидан чиқа олишади. Бундай болаларга алоҳида тарзда зарур. Чунки ҳар қандай қобилият ҳам эътиборсизлик туфайли секин-аста сўниб боради.

## “ХАР БИР БОЛА БИР ДУНЁ”

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, болаларнинг билим ва тафаккурини ривожлантириш учун улар билан индивидуал тарзда шуғулланиш лозим. Уларнинг ақлий ривожланишига туртки берадиган тўғарақларга жалб этиш зарур. Тез-тез психолог, педиатр врачларнинг тавсиясини олиб туриш кўзланган натижани беради. Бу жараёнда ота-оналарга алоҳида масъулият юкланади. Хар бир бола бир дунё, деган гап бор халқимизда. Уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш ҳар биримизнинг асосий вазифамизга айланмоғи лозим. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё.

**Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири**

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# Сардоба — мозийдан сўзланган эртақ

*Сирдарё вилоятининг Пахтаобод кўрғони яқинидаги кўҳна сардоба ўтмишида карвонлар учун муҳим қўналга, чўл бағридаги ичимлик суви манба бўлган.*

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида тарихимиз, миллий маданиятимиз, урф-одат ва аъёнларимизни тиклаш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қадимий шаҳарларимиз, улуг алломуларимизнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг натижа берди. Собиқ тузум даврида эътиборсизлик туфайли хароб аҳолига келиб қолган тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, асл ҳолида қайта тикланди. Сирдарё вилоятидаги қадимий Худойсера сардобаси ана шундай ёдгорликлардан бири.

Сойликда жойлашган ушбу сардоба ўзига хос меъморий ечимга эга. Сиртдан оддий кўринишга эга бўлса-да, у аждодларимизнинг илмий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолат беради. Хусусан, гумбазининг ички диаметри 15 метр, баландлиги 12 метрни ташкил этади. Деворининг қалинлиги пойдевор қисмида бир ярим метр, бир неча туйуқнинг ёруғлигини таъминлаб туради. Сардобанинг ичи ёғоч билан қопланган бўлиб, шимол тарафда жойлашган битта эшик орқали кирилган. Сув бузилишининг олдини олиш мақсадида шамол айланган тарафда туйуқлар мавжуд. Сардобага сув ясси тар-

новлар орқали туширилган. Маълумотларга қараганда, Худойсера сардобаси соҳибқирон Амир Темур томонидан барпо этилган. Унинг ёнида бог, карвонсарой бўлиб, сардобага олиб килувчи йўлакнинг юқори қисмида кўриқча ва хизматчилар учун ҳам алоҳида хоналар қурилган. Хонага гишттин зина орқали кўтарилган. Жой номлари чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, донишманд халқимиз тафаккурининг бебаҳо ифодаси сифатида асллар оша яшаб келмоқда. Юртимиздаги кўплаб географик номларнинг ўша худуд табиий иқлим шароити, аҳолининг ҳўжалик фаолияти, шунингдек, тарихий воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам яхши аён.

2011 йил 12 октябрда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонун бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, халқимизнинг неча асрлик аъёнларини тиклаш борасида муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда. 2012 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қонун ижросига бағишланган қарори қабул қилинди.

Бугун шаҳар ва туманларда янги-янги маҳалларга, қишлоқ

## Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

# ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

*Мустақиллик халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган энг олий неъматдир. Минг шукрлар бўлсинки, ота-боболаримиз орзу қилган ва кутган хурлик биз авлодларга насиб этди. Унинг шарофати ила халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларига, қадр-қиммати, шаъни ва ғурурини англаш бахтига муяссар бўлди, аждодларимиз қолдирган буюк маънавий мерос, бой тарихимиз, ўзлигимиз ўзимизга қайтди. Энг асосийси, ўз йўлимизни ўзимиз белгилаб, барча соҳаларда ривожланиш сари дадил қадамлар билан бориш шарофти юртимиз тараққиётининг муҳим омили бўлмоқда.*

Дарҳақиқат, суверен демократик давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишдек буюк мақсадлар сари дадил интилишимиз истиқлол шарофати эканлиги барчамизга ғурур бағишлайди. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Айниқса, Президентимиз Исроом Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” деб номланган маърузаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислохот этиш йўлида янги уфқларни белгилаб берди. Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш, ахборот соҳасини ислохот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби олти устувор йўналиш белгилиниб, бугунги кунда улга юзасидан янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Маърузада мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўлган тажрибамиз ҳолисона баҳоланиб, қилган киритилган юксак марраларимизни ҳар тарафлама таҳлил этган ҳолда мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделни нақадар тўғри эканига ва бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, мустақил тараққиёт йилларида юртимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, улкан ютуқларга эришилди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий, иқтисодий, маданий йўналишдаги ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни, энг аввало, халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, маънан етув қилиб тарбиялаш ва ёш авлоднинг спорт соҳасига кенг жалб қилиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аввало, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда болалар спортини мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан муносаби риважда изчил ривожлантирилмоқда. Мавжуд 9600 та умумтаълим мактабларининг 81 фоизи янги қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. 1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган. Эътироф этиш жоизки, болалар спортини аввало, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Кичик Олимпиада деб юритилаётган уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари аъёнларий тарзда ўтказилиб, маҳоратли спортчи ёшларимизнинг юзага чиқишига имкон бермоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола ўттиздан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланиаяпти. Ёш спортчиларимиз халқаро ва минтақа миқёсидаги турли спорт мусобақаларда юксак марраларни қўлга киритиб, юртимиз шарофатини ҳимоя қилишапти. Хусусан, 2005-2012 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестивал ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишган. Улар жами 922 та медал, шундан 363 та олтин, 282 та кумуш, 277 та бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон номини дунё аренасида қайта-қайта тилга олинишига сабабчи бўлишди.

Амалга оширилаётган чуқур ислохотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг маънавий юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизлар нафақат оилада, балки давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларида ўзларининг бор билим ва истеъдодларини кўрсатиб, фаолият олиб боришапти. Хусусан, сиёсий партиялар тизимида ҳам аёлларнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилган бўлиб, ҳозирги пайтда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида хотин-қизлар жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этилиб, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кенгайтирилмоқда. Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, фаолияти, истеъдоди давлатимиз томонидан қўллаб қувватланмоқда. Турли соҳаларда хизмат қилаётган юзлаб хотин-қизлар давлатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медалларига сазовор бўлган. Улар орасида корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари бор.

Истиқлол йилларидаги бу каби ютуқ ва марраларимизни, ҳар бир соҳада эришилган натижаларни санаб адоғига ета олмаймиз. Энг муҳими, улкан ўзгариш ва янгиланишлар, тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз, ҳузур-ҳаловатда ўтаётган кунларимиз мустақиллик неъматини эканлигини юракдан ҳис қилиб, ана шу олий неъматни қадрлаш, унинг қадрига етиш, истиқлол берган улкан имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг вазифа ва бурчимизга айланиши лозим.

**А. МУСТАФОҚУЛОВ, ЎЗА мухбири**

**Муҳтарома КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири**

## Реклама ўрнида

# “Микрокредитбанк” сармоялари

### кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватламоқда



МИКРОКРЕДИТБАНК

**Бунёдкорлик ҳақимизга хос хусусиятлардан бири бўлиб, у, айниқса, истиқлол йилларида янада кенг қўллаб-қувватланаётган бўлаётган. Юртбошимиз раҳнамоллигида нафақат шаҳарларимиз, балки олим қишлоғи овуллариимизнинг қийёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Улкан ўзаришлар, фаровонлик ва тараққиёт йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустақкамламоқда. Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, янги иш ўринларини барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби вазифаларни амалга ошириш борасида ижобий ишлар олиб борилмоқда.**

Ушбу жараёнларда эришилаётган ютуқлар ҳамда ҳақимизнинг яратувчанлиги ва бунёдкорлик ишларида барча тижорат банкилари қатори “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида иш бошлаган мазкур банк зиммасига иқтисодиётимизнинг реал тизмининг асосий бўғини сифатида тўла шаклланди ва тараққиёт учун, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар ажратишини

янада кенгайтириш йўлида ишбилармон қатламнинг энг яқин ҳамкорига айланди, десак хато бўлмайди.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони банкнинг барқарор ва ишончли молиявий ташкилот сифатида миқозлар ишончини қозонишида янги уфқларни очиб берди.

Мазкур ҳужжат банкнинг амалий вазифалари доирасини янада кенгайтириш баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун катта имтиёзлар яратиб берди. Яъни, банк капиталлашув даражаси янада оширилди, банк устав жамғармаси кўпайтирилиб, микросармояларнинг фоизлари эса камайтирилди. Натижада банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш борасида имкониятлари ниҳоятда кенгайтирилди.

Иш фаолиятларини кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва материалларни қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу сингари чора-тадбирлар туфайли қўшимча иш ўринлари яратилди. Асосийи, аҳоли даромадлари ошиб борди. Шунингдек, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишлари, корхоналарини техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Банк ўтган йил ажратган микросармоялар қўшимчилиги ошганлиги микромолиялаш ташкилотининг ўз миқозлари ва муқдасларини топа бораётганидан далолат беради. Бу эса банкнинг миқозлар билан ҳам-



корлик доирасини кенгайтирди, айниқса, чорва моллари, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, ҳатто, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга қадар бўлган кенг доирадаги эҳтиёжлар учун микрокредитлар ажратди.

### Боймурод ОЧИЛОВ, Бухоро вилояти, “Искандар бобо” фермер хўжалиги раиси:

— Фермерлик фаолиятини бошлабманки, “Микрокредитбанк” миқозиман. Айни кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида янада қўлайликлар яратилди, десам адашмайман. Банк қўлай хизмат турлари, кам фоизлик микрокредитлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Банк ходимлари доимий равишда ҳуқуқий саводхонлигимизни ошириш, банк, молия соҳасида чиқарилаётган қарор ва фармонлар билан таништириш мақсадида фермер, тадбиркорлар учун ўқув семинар ва тренинглари ҳам уюштиришмоқда. Банкнинг молиявий мадади туфайли турли техникалар олишга эришдик.

Банк жорий “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида қизгин фаолият олиб

бормоқда. Унда, хусусан, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустақкамлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтисодини намоён этиши ва уй-рўзгордаги ишларини энгиллаштириш учун қўлай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жорий “Обод турмуш йили”нинг ўтган ойлари давомида банк томонидан республика миқёсида ажратилган микрокредитлар миқдорини 243,5 млрд. сўмга етказиш ва мазкур кредитлар ҳисобига республикада 106 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш кўзланган бўлса, йилнинг 1 июль ҳолатига кўра соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматлар қўлами 125,4 млрд. сўмни ташкил этди. Хусусан, 26,1 млрд. сўмлик имтиёзли маблағлар бошланғич сармояни шакллантириш учун йўналтирилди. Энг муҳими, мазкур кредитлар ҳисобига 55 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркор аёллар билан ҳамкорлик банкнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фаолиятидаги муҳим йўналиш ҳисобланади. Айниқса, аёлларнинг фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, хунари ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар йўлини очди. Шундай

корхоналар борки, уларда асосан аёллар меҳнат қилади. Банк уларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, ўз иқтисодини намоён қилиш ва уй-рўзгор ишларини энгиллаштириш учун қўлай ижтимоий маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширишни асосий мақсадидан бири деб билади.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлида семинарлар ташкил этиш юзасидан қўшма қарор имзоланди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа доирасида 28 та тоғли, чегара ҳамда меҳнат ресурслари ортқича бўлган туманлар ҳисобланган қишлоқ фуқаро йиғинлари худудларида семинарлар ташкил этди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 11 та вилоятнинг 24 та туманидаги 67 та аҳоли яшаш пунктида (ҚФЙ) семинар ташкил этилди.

Булардан ташқари, Германия жамағарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги аёл тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадлари учун 815,8 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

### Ҳаётхон РАҲИМОВА, Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги “Ширин лаззат инвест” МЧЖ раҳбари:

— Мен банддан 31 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим. Бу сармоя ҳисобидан замонавий ускуналар ўрнатдик. Пировардида маҳсулотларимиз тури кўпайиб, сифати яхшиланди, янги иш ўринлари яратилди. Яратилган 15 иш ўринининг ҳаммасига ёшларни, коллеж битирувчиларини олдик. “Устоз-шоғирд” йўналишида иш ташкил қилганимиз. Банк ходимлари бизга тез ва қўлай хизмат кўрсатиб келмоқда.

### Нодира МИРАҲМЕДОВА, Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги “Фаол захматқаш” тайёрлов савдо корхонаси раҳбари:

— Биз фаолиятимизни дастлаб 2 нафар ишчи билан бошлагандик. Банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Қўллаб-қувватлашдаги фойдаланиш ва соғвирдор бўлдим. Жорий йилда ҳам молия муассасасидан яна кредит олиш, ишлаб чиқаришни янги боسقичга кўтариш, маҳсулот турларини кўпай-

тириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидаимиз.

Банк Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФОПСИ) билан ҳамкорликда “Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Жумладан, фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда тренинглари ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди. Жорий йил давомида 5 миң нафар тадбиркор аёлларга 27,5 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлигида “Микрокредитбанк” кўмағида “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш” лойиҳаси доирасида гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш лойиҳасининг 2-босқичи амалга оширилди бошланди. Ушбу лойиҳа қўлида хунари бўлган, шахсий маблағ топишни истаётган аёлларни бирлаштириди, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширади, маблағ жамғаришни ўргатади. Бу эса ҳар бир аёлнинг оиласига, турмуш тарзига ижобий таъсир ўтказди. Ушбу мақсадда банк мутахассислари томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Қонлиқул, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳларини билан даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглари ташкил этилди.

Гуруҳ аъзоларининг мақсад ва фаолиятлари йўналишидаги бизнес-режаларини ишлаб чиқишда амалий кўмак берилди. Гуруҳларга жалб этилган 500 нафардан ортқ аёллар ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Кредит олиш учун зарурий таъминотга эга бўлмаган ушбу аёлларга ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Микрокредитбанк” бугун миқозлар — ишбилармонлар, тадбиркор аёллар, хунарманд ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг қўламли фаолиятини қизгин ва фаол давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Банк матбуот хизмати

## Саломат бўлай десангиз

# ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

узинг олдини олиш мумкин

**Қандли диабет касаллиги асримиз эпидемиясига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Қандли диабетнинг II тип, асосан, 45-60 ёшли эркек ва аёлларда кўп учрайди. Қандли диабет ошқозон ости бези доимий ишлаб чиқарадиган инсулин моддасининг ё кам ишлаб чиқарилиши, ё унга нисбатан таъсирчанликнинг камайиши, пировардида киши организмда модда алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик туридир.**

Инсулин организмда қанд миқдорини меъёрлаштирувчи модда саналади. Организмга оқват билан кириб келадиган углевод, оксил ва ёғ моддалари мураккаб жараёнлар натижасида бутун тана ва тўқималарга куч-қувват берувчи глюкозага айланади. Киши организмда агар инсулин моддаси етишмовчилиги содир бўлса, глюкоза (қанд) миқдори метёрдаги 3,5-5,5 мм/г дан 10-15, ҳатто, 18-20 гача ошиб кетади. Ошиқча қанд, тирнок учидан соч толасигача бўлган ҳар бир тўқима ва ҳужайрага зарарли таъсир ўтказиши. Тасавур қилинг, бизда бу жараён кўп ҳолларда куйидагича кечади: бир киши бу касалликка қирчиллама 45-50 ёшида дучор бўлди, дейлик. Бу инсон 70-80 фоиз ҳолатларда ана шу касаллик белгиларини ҳеч бўлмаганда 1-2 йил давомида энгиб юради. Кун келиб, кўп ҳолларда, тасодифан қон анализида қанд борлигини билиб қолади. Шундан кейин ҳам одамлар “сахар” ин борлигини билишмасин, деб касалликни 4-5 йил тан олмай, энгил-елпи дори ичиб юришаверади. Бу орада “қанд” организмга ўзининг муҳдиш таъсири ва ҳукмини тобора чуқурроқ ўтказиб боради.

оқибат ишдан чиқариши мумкин. Ундан сўнг асаб тизими ва барча тўқималардаги нерв толарини ишдан чиқара бошлайди. Зарарланган нерв толарини барча қон томирларини кучсизлантириб, илвираб қолишига олиб келади.

“Қанд” таъсири остида аста-секин қўларнинг қўриш даражаси пасаяди. Ҳатто, организмнинг энг узоқ органи бўлган оёқларда ҳам қанд таъсири остида қон айланиши бузилади, панжаларда чириш бошланади.

Ошиқча қанд миқдори бош мия ва юракда ҳам ниҳоятда оғир асоратлар уйғотиши мумкин. Масалан, 50 ёшдан ошган соғлом одам учун 150/80 қон босими оддий ҳол бўлса, қандли диабетнинг II тип, қандли касалланганлар учун бундай қон босими жуда юқори саналади. Шу боис қандли диабет асоратидан дунёдан кўз юмаётган инсонларнинг 75-80 фоизига ё юрак инфаркти, ё бош мия инсультини сабаб бўлмоқда.

“Қандли диабет” билан оғриган бемор касалликни вақтида ва доимий даволаб юришини эсдан чиқармаслик лозим. Чунки бу касаллик мутлақо йўқ бўлиб кетмайди. Касаллик ҳақида мукаммал маълумотларга эга бўлиши, организмдаги ўзгаришларни баҳолай олиш ва уларга ўз вақтида таъсир қила олиш, ўй шароитида қонидаги

қанд миқдори ва қон босимини доимий равишда ўлчаб юриш лозим бўлади. Бу фарба оддий ҳол саналиб, “қандли диабет маданияти” деб аталади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, глюкометр ва танометр “медтехника” дўконларида мавжуд бўлиб, уларни ишлатиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

“Қанд”ни туширувчи дорилар ва инсулин инъекцияси ҳақидаги маълумотларни билиш ҳар бир бемор учун шарт ва зарурдир. Гап шундаки, “қанд”ни туширувчи дори воситалари (ҳозир уларнинг 20 дан ортқ тури мавжуд) қанчалик кучли ва мукаммал бўлмасин касалликнинг дастлабки даврини инобатга олмаганда вақти келиб қанд миқдорини тўлиқ тушира олмай қолиши мумкин. Шу боис касалликни ўз вақтида аниклаш ва даволаш бемор учун ҳаёт-мамат масаласи, десак хато бўлмайди.

Узининг 20 йиллик кадрдоним, касалланганига 7 йил бўлган беморга оғир бўлиб қолган пайтида: латнус (инсулин — гларгин)га ўтсангиз бўлмайди-ми?”, деганимда, у киши ҳаяжонлиб ва тутақиб “буни бир айтдингиз, бошқа айтман”, дедилар.

Тўғри, бир пайлар, айниқса, собиқ иттифоқ даврида инсулин олинг, дейилса ҳар қандай одам чўчиб кетган. Лекин, ҳозир инсулиннинг янги ва безарар турлари тайёрланиб, деярли барча мамлакатларда жорий қилинган. Ҳозирги инсулинлар қўлай, рўзча — шприц кўринишида бўлиб, бир кеча-кундузда бир марта тери остига 5-6 томчи юборилади. “Қанд”ни туширувчи дорилар таъсир қилмай қолиб, диабетнинг дахшатли асоратларига учрагандан кўра, инсулин воситасида, 30-40 йил оғриқсиз яшаган маъқул эмас-

ми? Бундан ташқари бемор қанд миқдорини туширишда нодоривор воситалардан фойдаланиши, яъни парҳез таомлар билан овқатланиши ҳар жиҳатдан афзалдир. Бемор учун қанд пайдо бўлишини камайитириш, уни организмдан чиқариш, турли воситалар билан нейтраллаш ва қандни сарф қилиш ҳар кунлик широрга айланиши лозим.

“Қанд”нинг ошиқча миқдорини танадан чиқаришнинг биринчи табиий йўли фойдали ичимлик ва сабзавотлардан кўп истеъмол қилиб, буйрак орқали чиқариш бўлса, иккинчиси, тери воситасида амалга оширилади.

Модда алмашинуви бузилиши натижасида диабет билан касалланган беморда оксидланиш тез рўй беради ва унинг зарарли ҳосилалари, асосан, терида тўпланади. Шунинг учун соғлом одам бир кунда бир марта чўмилиса, бемор совун воситасида камида 2 марта чўмилиши керак.

Ошиқча қанд миқдорини меъёрга солишда ота-боболаримиз твороғ, қатқ зардоб, тепе-памбур картошкаларидан ҳам фойдаланишган. Қанд сарф қилиш эса жисмоний ҳаракат билан боғлиқ. Ошиқча қанд миқдори энгил жисмоний машқлар, тез юриш орқали сарф қилинади ва буни имкони бори-ча ҳеч қанда қилмаслик керак. Бунда машқларнинг интенсивлиги эмас, давомийлиги аҳамиятлидир. Ҳеч қачон қаттиқ ва интенсив машқ қилмаслик ёки тез югурмаслик лозим. Аксинча организм ўзининг захираларини глюкозага айлантириб юбориши мумкин.

“Қандли диабет” билан оғриган бемор шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, оёқ бармоғи орасидан бошлаб, бутун аъзои-бадангача тоза тутмоғи лозим бўлади.

Энг муҳими, касалликни ўз вақтида аниклаган ва даволаш-ба қилиш, “қандли диабет” маданиятига тўлиқ риоя қилган ҳар қандай бемор узоқ умр кўриши шубҳасиз.

Зиёб ФИЁСОВ, шифокор

## Таълим

**Бугун республикамизнинг ҳар бир масканида, энг чекка худудларида ҳам ёшларимизнинг замонавий тарзда билим олишлари, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари, маънавий етук, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

# Барча эзгу ҳаракатларимиз ёш авлод истиқболи учун

Жумладан, Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасаруфидида жами 51 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 2012-2013 ўқув йилида 52627 нафар ўқувчи 120 та йўналишда таълим олди. Ёшларга 4809 нафар педагог ва муҳандис ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари фан ва касб-ҳунар сирларини пухта ўргатишди.

Вилоятдаги 47 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларини амалиёт ўташ ҳамда кейинчалик ўша жойда ишга жойлаштириш мақсадида 4259 та корхона, ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилди. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида барча шахар ва туманларда иш берувчиларини жалб этган ҳолда 22 мартаба иxtисослаштирилган бўш иш ўринлари ямаркарлари ўтказилди ва иш берувчилар томонидан 800 нафарга яқин коллеж битирувчисига ишга жойлаштирилган учун йўлланмалар берилди.

2013 йилнинг июль ойига қадар вилоятдаги тижорат банклари томонидан 800 нафар коллеж битирувчисига тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит маблағлари ажратилди. Ёшларни чуқур билим олишларида малакали педагог-муҳандисларнинг ўрни катта эканлиги инобатга олинган ҳолда уларнинг ривожланган давлатларда ўзларининг касбий малакаларини ошириб келишлари катта эътибор қаратилди. Ўтган йиллар давомида 50 нафарга яқин педагог ходимлар Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия, Дания, Япония ва бошқа давлатларда малака ошириб қайтидилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиз ёшларини интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мамлакатимизда устувор вазифалардан бирига айлиб, уларни пухта билим олишлари учун қўлай шароитлар яратиб бериш, маънавий қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини кенг намоён этишларига кўмаклашиш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай гамўхўрликлардан илҳомланган навоийлик ўқувчи ёшлар барча соҳаларда ўз

иқтидорларини намоён этиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йили Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги Навоий академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Нигора Тўймуродова Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

Республика фан олимпиадасида жами 39 нафар навоийлик ўқувчи иштирок этиб, шундан беш нафар ўқувчи турли фанлардан фахрли ўринларни эгаллашди ва олий ўқув юртига имтиёзли равишда кириш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Шунингдек, жорий йилнинг май ойида ўтказилган “Барҳаёт аъханалар” кўрик-танловининг республика босқичида Хатирчи педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежининг “Сарбоз оханлари” жамоаси, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг республика босқичида эса Хатирчи тиббиёт коллежи жамоаси юқори ўринларни эгаллади.

Наманган шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” Республика кўрик танловида Зарафшон саноят коллежи фахрли биринчи ўринни эгаллаб, голибликни кўлга киритди ҳамда биринчи даражали диплом ҳамда компьютер тўплами билан тақдирланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда 2013-2014 ўқув йилида вилоятдаги иккита касб-ҳунар коллежининг йўналиши ўзгартирилди. Яъни, Навоий педагогика коллежи - Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Қонимех иқтисодиёт коллежи - Қонимех иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларига айлантирилди. Бунинг натижасида қўшимча мутахассислик йўналишлари очилиб, маҳаллий корхона ва ташкилотлар талаб эҳтиёжига қараб янги мутахассисликлар бўйича мазкур коллежлар билан шартномалар тузилмоқда.

Шухрат НОРМУРОДОВ, “Туркистон-пресс”

## Бизнинг шарҳ

# ИНДОНЕЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ



**Асосан оролар ва ёзув табиати билан ном қозонган Индонезияда бугунги кунда икки палатали парламент фаолият олиб боради. Булар Куйи палата - Халқ вакиллари кенгаши (ХВК) ва юқори палата - Миллат вакиллари кенгаши (МВК)дан иборат. Куйи палатада 560 нафар депутат иш юритса, юқори палатада 132 нафар депутат сайланади. Ҳар икки палата йилга камида бир маротаба тўпланиб, энг аввало мамлакат бюджетни кўриб чиқилиб, жиддий муҳокама қилинади. Шунингдек, ҳукумат ва депутатлар томонидан муҳокамага қўйилган бошқа долзарб қонун лойиҳалари тасдиқлаши лозим.**

Аслида, Индонезия Олий қонун чиқарувчи идораси деярли бир палатали, десак муболаға бўлмас. Зеро, қонунларни ишлаб чиқариш билан фақат Халқ вакиллари кенгаши шуғулланади. Юқори палата ҳисобланмиш Минтақа вакиллар кенгашига ҳар бир худуддан 4 нафардан депутат сайланиши Конституцияда белгиланган бўлиб, Парламентдаги барча ўринлар сайловда қатнашган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланган. Мамлакат қуролли қўрғоқчи вакиллари аввалги квотасидан маҳрум қилинган.

Индонезия дунёдаги сиёсий партиялари нисбатан кўп мамлакатлар қаторига қиради. Оролар мамлакатда ҳозир қарийб 200 та сиёсий партия рўйхатга олинган бўлиб, улар 240 миллион нафарга яқин аҳолига эга мамлакатда ўз

сиёсий қарашлари, ғоялари билан тарғибот ишларини олиб боради, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. "Сайлов тўғрисида"ги қонунга кўра, партияларга сайловдаги кампаниясида давлат маблағидан фойдаланиш таъқиқланади.

Мамлакатда сўнги парламент сайловлари 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, куйи палата — Халқ вакиллари кенгашидан 9 та партия вакиллари ўрин олган. Энг кўп мандат 148 та "Демократик партия"га, 106 таси "Голкар", 94 таси "Индонезия демократик партияси", 46 таси "Миллий мандат" партиясига насиб қилган. Навбатдаги сиёсий тадбир келаси йили ўтказилиши режалаштирилган.

Шуни айтиш лозимки, Индонезия Конституцияси ва қонунларида парламент ту-

шунчаси қўлланилмайди. Халқ вакиллари кенгаши Миллий маслаҳат кенгаши негизда қонун лойиҳалари устида иш олиб боради. Халқ вакиллари кенгаши Конституцияга киритилган тузатишга кўра тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Амалдаги қонунларга кўра, 21 ёшга тўлган, сайлов вақтида шу жойда 6 ой яшаган, индонезча ўқиш ва ёзишни билган фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. 25 ёшни қаршилаган сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган фуқарога сайлаш ҳуқуқи берилган. Халқ вакиллари кенгашида доимий асосда фаолият юритувчи 11 та комиссия ва 7 та кўмита иш олиб боради. Халқ вакиллари кенгаши парламентлараро иттифоқи Осиё парламентлари Ассоциацияси, Осиё - Тинч океани парламенти форуми, АСЕАН парламентарларо ташкилоти доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги энг катта муаммолардан бири — коррупцияга қарши кураш борасида тўпланган Индонезия тажрибаси кўп жойларда кенг қўлланилмоқда. Бу иллатга қарши кураш олиб борувчи махсус комиссия 2003 йил 29 декабрдан буён фаолият олиб бормоқда. Мустақил мақомга эга бўлган комиссия ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш ваколатини олган.

Ваколати 4 йилга белгиланган махсус комиссия — махсус суд номига ҳам эга бўлиб, давлат хизматчилари, қолаверса, прокурорлик вазирасини ҳам бажариши мумкин. Бош қароргоҳда 700 дан ортиқ одам ишлайди. Улар телефон сўзлашуларини эшитиш, гуноҳдор шахсларнинг мамлакат ташқарисига чиқиб кетишининг олдини олади, банк, молия, солиқ тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлиб туради. Улар полиция - прокуратура томонидан олиб бораётган ишни ўз зиммасига олишлари мумкин.

Ўтказилган сўровномада индонезияликларнинг қарийб 70 фоизи ушбу комиссия ўз олдида қўйган вазифани удралайди, деган фикрда экан. Коррупцияга қарши курашда комиссия билан бирга Конституциявий ва Олий суднинг ўрни ҳам бекиёсдир. Айни пайтда мамлакат парламенти томонидан ўнлаб жиддий ма-

• 1945 йил қабул қилинган Индонезия конституцияга тўрт маротаба — 1999, 2000, 2001, 2002 йиллари ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.  
• Индонезия Жанубий Шарқий Осиёдаги Малай архипелаги ва Янги Гвинея ороли ғарбий қисмидаги 17 минг 500 дан ортиқ оролни бирлаштирган.  
• Аҳолиси 240 миллиондан ортиқ.

салалар кўриб чиқилаётган бўлиб, улар жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётир. Маҳаллий ҳукумат бензин ва дизель ёқилгиси нархини кескин оширганидан сўнг халқ орасида норозиликлар кучая бошлади. Айнан парламент аралашуви билан бу можарога чек қўйилди ҳисоб. Қарайиб 12 соат давом этган сессияда қонуншунослар томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатини кўзловчи қонун қабул қилинди.

Индонезия парламенти "Муодофаа саноати тўғрисида"ги қабул қилган қонунга кўра, стратегик аҳамиятга молик тармоқ модернизацияланмоқда ва ҳарбий техникаларни четдан сотиб олиш жараёни мувофиқлаштирилади. Эндиликда ҳарбий техникани хориждан сотиб олаётганда воситачилар ёрдамига ҳожат қолмайди. Мамлакатдаги "Пиндед" компанияси танк, "Диркандара" самолёт, "ЛЕН" эса ҳарбий мақсадларга йўналтирилган электроника жиҳозлари, навигация ускуналарини тайёрлаётир. Бу компанияларнинг 75 фоизи хусусийлаштирилса-да, давлат 75 фоиз акцияни назорат қилади. Бу масала ҳам парламент назоратидадир.

Мамлакат парламенти мажмуаси пойтахт Жакартада жойлашган. Нусантара, яъни архипелаг маъносини англатувчи бинода ҳар икки палата томонидан қўша йиғилишлар, съездлар ўтказилади. 6-қаватли "архипелаг", шунингдек, турли девонхоналар, бўлимлар ва жамоатчиликни қабул қилишга мослаштирилган. Махмуа индонезиялик мезмор Сууди Вирджоатмоджо томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, қирилши ишлари 1965 йилнинг мартада бошланиб, 1983 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилган. Баландлиги 100 метрга тенг, майдон 80 минг квадрат метрлик мажмуа "Бунг Карно" марказий стадиони билан туташган.  
**Азимжон ПУЛАТОВ**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ёмғирлар мавсуми бошландими?

**Хитойнинг шимолий минтақалари сув тошқинларидан жиддий зарар кўрмоқда.**

Сўнги маълумотларга кўра, Наньцзян дарёси ярим метрга кўтарилмиши оқибатида минглаб уйлар ва қишлоқ хўжалигида етиштирилётган маҳсулотлар сув остида қолган. Юзлаб одамлар турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор. Табиий офатдан қурилган зарар бир миллион евродан ошгани айтилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Хитой шимолидаги бундай офат ўтган 20 йилдан буён кузатилмаган.

## Замонавий самолёт

**Ҳиндистонда қарийб 100 нафар йўловчига мўлжалланган "NCA-90" самолёти ишлаб чиқарилади.**

Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу ҳаво транспорти авиакўчилиши кам сарфлаб, ҳавога зарарли газларни кам чиқаради. Ҳаво транспорти соҳага оид энг замонавий электрон техника ва технологиялар билан жиҳозланади. Хабарларга қараганда, ушбу самолётни лойиҳалаштириш ва қуриш учун 880 миллион АҚШ доллари, уни яппи ишлаб чиқариш учун эса 650 миллион доллар миқдоридан маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

## Халқаро ҳамкорлик зарур

**Глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бар-тароф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зийн етказувчи ушбу муаммага қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ғоят зарур эканини таъкидламоқда. Хабарларга кўра, глобал иссиқ оқибатида ҳар йили дунёда икки юз мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмади ва миллионлаб одам оғир хасталикка чалинади. Экспертларнинг сўзларига кўра, иқлим ўзгариши туфайли содир бўлаётган табиий офатлар ушбу кўрсаткичнинг йил сайин ошишига сабаб бўлаётир.

## Хавфсиз ва аниқ

**Хитойнинг "China Railway High-speed" поездлари дунёдаги энг тезроқ поездлар, деб топилган.**

Бундан 6 йил олдин ишга туширилган поездлар Пекин, Гуанчжоу ва Шанхай каби йирик шаҳарлар ўртасида ҳаракатланади. Яқинда улар сафига Харбин шаҳари ҳам қўшилди. Маълумотларга кўра, "China Railway High-speed" поездлари соатига 300 километр тезликкача бемалол чиқа олса-да, хавфсизлик ва аниқликни таъминлаш мақсадида ўртача 250 километр тезликда ҳаракатланади. Бу поездлар қулайлиги ва бошқарилиши жуда осонлиги билан ҳам ном қозонган. Эслатиб ўтамиз, мазкур поездлар ўтган йили ҳам сайёрамаиздаги энг тезроқ поездлар сифатида баҳоланган эди.

## Ўтган 25 йилда

**Ўрмон ёнғинлари олти маротаба кўпайган.**

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ёнғинларнинг 80 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқ. Хусусан, Россияда қасддан ўт қўйиш ҳодисалари барча ёнғинларнинг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШ, Австралия ва Янги Зеландияда бир неча баробарга ортган. Бундан ташқари ёнғинга, асосан олов, электр ҳамда турли газ асбобларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланишнинг қоидаларини бузиш, ҳатти пайтида оловга эҳтиётсизлик бўлиш сабаб бўлмоқда. Бутунжаҳон ёнғин статистикаси маркази маълумотларига қараганда, дунёда бир йилда ўртача 1,7 миллион маротаба ёнғинлар содир бўлади.

## Эълон

**«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**1. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан куйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:**

- Мирзабод туман суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. "MA3-5551" русумли, д/б 12 AG 416 бўлган, 2002 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотранспорт, Бошланғич баҳоси — 2 871 157 сўм.
  2. "MA3-5551" русумли, д/б 12 AC 931 бўлган, 1998 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотранспорт, Бошланғич баҳоси — 2 871 157 сўм.
  3. "KAMA3-55111" русумли, д/б 12 AA 252 бўлган, 1996 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотранспорт, Бошланғич баҳоси — 3 788 507 сўм.
  4. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 190 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  5. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 194 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  6. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 192 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  7. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 193 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  8. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 195 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  9. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 196 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  10. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 197 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
  11. "SKDMA3-8571" русумли, д/б 12 A 188 бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги

- автотиркама, Бошланғич баҳоси — 6 531 926 сўм.
12. "ХУНДАЙ-АКЦЕНТ" русумли, д/б 12 AC 583 бўлган, 1995 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги автотранспорт, Бошланғич баҳоси — 2 568 805 сўм.
  13. "Т-4-А" русумли, д/б 01 04 ЕЮ бўлган, 2002 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги трактор, Бошланғич баҳоси — 11 409 376 сўм.
  14. "BT-150-Д" русумли, д/б бўлмаган, 2005 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги трактор, Бошланғич баҳоси — 27 454 916 сўм.
  15. "ЭО-5119" русумли, д/б 01 08 ЕЮ бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги эксковатор, Бошланғич баҳоси — 35 748 830 сўм.
  16. "ЭО-5119" русумли, д/б 01 03 ЕЮ бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзабод туман ИХТПТФ қорхонасида сақланаётган носо ҳолдаги эксковатор, Бошланғич баҳоси — 35 748 830 сўм.
- Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
- Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қиқиб танишиш мумкин.
- Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тулов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириг мuddати: Бир кун қолганда тўхатилади.
- Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат кейлишувига асосан, мўлқ бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мўлқ учун алоҳида автоматотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.
- Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй 1-қават, телефон: 235-03-58.
- Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2013 йил 19 сентябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидан очик аукцион савдоларини ўтказди!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, Бехтерева кўчаси, 113/10-уйда жойлашган, «АТРОФ МУНДТНИ МУНДТНИ МУНОФАЗА ҚИЛШ ВО?УЙСА YO?L ILMIY ISHLASH SHIQARISH MARKAZI» ДК балансидан 1996й. й/ч, д/р 01/950NCA, бошланғич нархи 5 210 000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошлаб таънади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоиз миқдордаги закатат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йиғирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, унинг бўйича такрорий аукцион савдолари, унинг сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкга қизиқиш билдирган талабгорлар, унинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шўх кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 1 ва 8 август кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидан д/р 10/325LAA бўлган «BA3-2106» - 3 200 000 сўмга, д/р 10/518JAA бўлган «BA3-2106» - 3 200 000 сўмга, д/р 01/122RBA бўлган «Нексия-СПГ» - 11 000 000 сўмга, д/р 10/416MAA бўлган «Дамас» - 8 300 000 сўмга, д/р 10/840JAA бўлган «Дамас» - 8 200 000 сўмга, д/р 11AF950 бўлган «Дамас» - 8 000 000 сўмга; «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» ОАЖ балансидан д/р 01/7599BCA бўлган «Нексия» - 16 800 000 сўмга; «MARKAZIY» комбинат ДУК балансидан д/р 01/704UBA бўлган «ХЮНДАЙ СОНАТА» - 42 600 000 сўмга; Тошкент давлат техника университети балансидан д/р 01/665KBA бўлган «ГБА-СПГ Нексия Донс» - 18 500 000 сўмга, д/р 01/924DCA бўлган «Дамас» - 16 600 000 сўмга, д/р 01/014DCA бўлган «ГАЗ-3307» - 11 300 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Маданият  
хабарлариЯнги асар  
тақдироти

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ёзувчи Акбар Мирзониинг «Ажал билан юзма-юз» романининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ёзувчининг 2001 йилда «Қалб исёни» (ҳикоялар тўплами), 2010-2011 йилларда «Аёзи чўзилган баҳор», «Нажот кемаси» қиссалари китоб ҳолида нашр этилди. 2013 йилда «Оқ тепалик ўғри» ва «Ажал билан юзма-юз» романининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ёзувчининг «Ажал билан юзма-юз» романида ХХ асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллар бошидаги таҳликали вазият, турли экстремистик гуруҳларнинг хуружлари ва истиқлолнинг дастлабки йилларидаги суронли воқеалар бадий тасвирга кўчирилган. Асарда, шунингдек, юрт посбонларининг фидойилигига кенг ўрин берилган.

Тақдирот маросимида сўзга чиққан профессор Акмал Саидов, «Жаҳон адабиёти» журналі бош муҳаррири Шухрат Ризаев, адабиётшунослар Махмуд Йўлдошев, Маҳкам Махмудов, ЎЗМУ доценти Муҳайё Исмоилова ва бошқалар роман тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Ижодий  
сафарда

Коракалпоғистон Республикаси маҳаллаларида, ўқув юртли ва меҳнат жамоаларида «Қадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Кўнгирот туманидаги болалар мусика ва санъат мактабида ўтказилган кизикарли учрашувда Бердақ номидаги Коракалпоқ давлат мусикали театри ижодий жамоаси мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишланган концерт дастурини намойиш этди. «Совга» деб номланган мазкур кўнгилочар дастурдан театрнинг таниқли ижодкорлари ижросидаги Ватан ҳақида қўшиқлар, сахна кўринишлари ўрин олган. Театр жамоасининг ижодий сафари туманлар бўйлаб давом этмоқда.

Янги  
оромгоҳ

Самарқанд туманидаги «Алломиш» оромгоҳида ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун ҳарбий ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фаолият бошлади.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган оромгоҳга 120 нафардан зиёд бола жалб этилиб, улар билан тарбиявий ва маданий-кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Оромгоҳда дам олувчилар учун табиат кўйнига, Самарқанд шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларига саёҳатлар режалаштирилган.

## Кўргазма

## «Шу Ватанга бордир менинг керагим!»

ижодкор, фоторассом Назира Боймуродова ўз фотокўргазмасини шундай номлади

*Иқо Хирияма Халқаро маданият қарвон саройига кирган заҳотингиз бир-бирдан такрорланмас, ўзига хос, миллий қадриятлар руҳида олинган фотосанъат асарларини томоша қилиб, кайфиятингиз кўтарилиши билан бирга ёрқин ранглар диққатингизни тираллаштириб бораверади. Ҳар бир асарда ўзига хослик, соддалик акс этган, бунда ижодкорнинг ҳеч ким илгамас манзараларга эътиборини кўрасиз.*


Жумладан, ижодкорнинг «Акс» деб номланган асарига тўхталиб муаллифга мурожаат қилдик. — Ишим чиндан қизиқ чиққан. 2011 йили, 27 март куни, талабалар уйида сумалак пишширишга тайёргарлик кўраётган кунимиз олинган ушбу фотосурат кўпчиликини мушоахадга чорлайди. Ушбу суратни илк бора халқаро журналистика факультетида ўтказилган «Баркамол авлод орузи» номи биринчи фотокўргазмада намойишга кўйганимда, томошабинлар томонидан «Бу нима ўзи?» деган савол берилган. Шунда мен уларга: «Қани, яхшилаб қаранг-чи, нимага ўхшаркин?», деганимда ҳеч ким аниқ жавоб айта олмаганди. Эътибор билан қаралса, бу фотосуратда қозондаги ёғга дарахт танаси ва шохчаларнинг акси тушиб тургани тасвирланган. Шохчалар ёғда тўлқин пайдо қилиб, қозон сояси ойға, дарахт сояси эса камонга ўхшаб қолган. Натижада ажойиб манзара вужудга келган. Ушунда ушбу манзарани назардан қочирмаганимга хурсанд бўлам. «Санъатга шахар эмас, шахарга санъат керак», «Кўшиқ танани эмас, қалбни шунбушга келтириши керак», дейиладди бир ҳинд фильмида. Аслида, ҳар бир асар томошабинда фикр уйғотиши керак. Акс холда, у ҳеч қандай бадий қимматга эга бўлмайди. Аваллари кўп суратларимни шунчаки қизиқ киши газетанда чоп этиш учун репортаж жанрида олган бўлсам, энди уларнинг ҳар бирига маъно юклашга интилам.

«Онага эҳтиром»... Мангу оловга хаёлан тикилган Мотамсаро она монументал ҳайкали кўпчиликини ўтмишнинг қора кунларини ёдга олиб, бугунги ёруғ кунларга шукрона айтишга ундайди. Айнан ушбу ҳайкал фонида бахтиёр она ва бола қиёфасининг яратилишига сабаб бор. Унда юртимиз тинч ва осмонимиз мусаффо ҳамма бахтли ҳаёт кечиради, деган маъно юкланган. Жажжигина қизалоқ онасига гул ҳадя қилмоқда. Гул бу ҳаёт ва гўзаллик, тинчлик, осойишталик рамзи.

«Яшариб бораётган Бухоро»... Бухорода Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Кўхна ва боқий Бухоро» монументи — ахлит композицияли асар. Унинг марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота-она ва бола, ниҳол ўтказаетган бобо ва неварра ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефи ҳай-

каллари ўрин олган. Композицияда чуқур фалсафа мужассам: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари қолади. Бу дунёда инсон эзгу ишлар қилиши, фарзандлари келажакини, эл-юртнинг эртасини ўйлаши лозим.

Монументда «Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарзидир», деган ҳадис ўзбек, араб ва рус тилларида битилган. Суратда ана шу сўзларни қалбига жойлашга аҳд қилган ёш ва навқирон авлод вакиллари тасвирланган. Бу каби фотосуратларнинг ахамияти шундаки, улар кенг жамоатчиликни мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан хабардор қилади.



Ижодкорнинг «Япон кизи Нанами ва кўғирчоқ», «Кўғирчоқ қиз», «Мамлакат опанинг қизлари», «Жиззахлик гўзал», «Кувнок оила» каби фотосуратлари Навоий вилоятининг Сармишсой дарасида олинган. У фестивалда иштирок этаркан кўп меҳнати орқали бунёд бўлган миллий хунармандчилик буюмлари, айниқса, миллий кўғирчоқларимизнинг хорижликларни ҳайратга солганини, япон кизи Нанами Ҳагиваланинг миллий кўғирчоққа ҳавас билан боқиб турганининг гувоҳи бўлганини сўзлаб берди.

«Ёш фоторассом»да болаларча ҳавас билан қўлига фотоаппарат ушлаб олган 4 ёшли қизалоқ тасвирланган. У ўз ишига шунчалик берилиб кетгани, ўзини худди профессионал ижодкордай тутди. Унинг қарашларидан мақсади аниқлиги кўриниб турибди. Бахтли болаликни тасвирлаш фоторассом ижодининг асосини таш-



кил қилгани боис, фотосуратлар орасида болалар портрети кўп учрайди.

«Бўстонлик мўъжизаси» туманининг Бурчмулло қишлоғида тасвирга олинган. Ижодкорнинг табиат билан боғлиқ фотокўргазмаларини томоша қилар экансиз, юртимиз табиати ўз гўзаллигини намоеён этади, кишини ана шу гўзалликдан баҳраманд бўлиш ва уни асраб-авайлашга ундайди.

## ИЛК ҚАДАМ

— 2001 йилдан бошлаб, ижод намуналаримни республика нашрларига олиб борганимда доимо «ёзган мақолаларимизнинг фотосуратлари ҳам борми?», деб сўрай бошлашди, — дейди ижодкор. — Ана шу савол менга бугунги кун журналистининг қалами ўткир бўлиши билан бирга яна кўп нарсаларни ҳам билиши зарурлигини ўргатди. Мен энди шеър ва мақола ёзиш билан чекланиб қолмай, фотосуратлар олишга ҳам киришдим. Газета учун репортаж жанрида олган биринчи суратим 2007 йил «Нур» газетасида чоп этилган. Ана шунда ўзим сезмаган ҳолда янги бир соҳага — фотожурналистикага илк қадам қўйдим. Газеталарда босилган фотосуратларимга таниқли фоторассом Абдугани Жумаевнинг «Назиранинг ўз қарши, қузатиши борлиги кишини қувонтиради. У бошқалар илгаман нарзаларни кўришга, мушоахадга қилишга интилади. Бу — энг муҳими! Фотографияни гўзал лаҳзаларни муҳрловчи санъат деб аташди, шу билан бирга у «маънодор» бўлса — ютуқ саналади. Назирахон қизимизга тинимсиз изланиш ва ўрганиш йўлида сабот тиламан», деган сўзлари ўзимга бўлган ишончимни янада оширди.

## УСТОЗ ИЗИДАН...

— 2010 йили Тошкент Фотосуратлар уйда «Ўзбекистон фотографияси тараққиёти ва истиқбол» мавзусида бўлиб ўтган ижодий-амалий конференцияда Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси, фоторассом Султонбой Дехқоновнинг «Ўзбек фотографиясида бадий рух» деб номланган маърузасини тинглаб, бадий фотография санъатини ўзим учун кашф қилгандай бўлдим. Унинг «Меҳнаткаш чумоли» деб номланган машҳур фотосари бор. Ана шу биргина суратда катта ҳаёт фалсафаси мужассам топган. Суратда ўзидан бир неча баробар катта бўлган хасни ортомқлаб кетаёт-

ган чумоли тасвирланган. Чумоли — жимитдек жонивор. Агар унга бизникидек жим ва ақлидрок берилганида борми...

Ана шу асардан илҳомланиб, бадий фотографияга нисбатан бўлган меҳрим янада ошди. Тошкент Фотосуратлар уйи қошида очилган фотосанъат мактабида ўқидим. Республика миқёсидаги турли фотокўргазмаларда иштирок этиб, голиб бўлдим. Ўзим ҳам «Баркамол авлод орузи», «Гулдаста», «Хуш келдинг, умримнинг баҳори», «Дарёдан бир томчи», «Она юртим, ота маконим», «Қалбимдаги гавҳарим, Ватан», «Юрагимга яқин одамлар», «Болалигим, сени соғиндим», «Шу Ватанга бордир менинг керагим» номи ўнлаб шахсий фотокўргазма ўтказишга муваффақ бўлдим.

## ОРЗУЛАР РҮЁБИ

— Ҳаракатда — ҳаёт бор! Бу — менинг кундалик шиорим. Кўпинча таниш-билишлар «Назира, сира ҳам тинмайсиз-а?», деб қолишади. Мен уларга жавобан: «Тинишдан худдо асрасин. Танижонинг соғ бўлиб, шу юртда елиб-югуриб меҳнат қилганга нима етин!» дейман.

## АХБОРОТ АСРИ

— Айни пайтда ахборот хуружларига тўла бир даврда яшамизмики, агар кўнгил истакларига қулоқ солиб турмасак, ҳиссиз махлуқотга айланиб қолишимиз ҳеч гапмас. Базилар ривожланган мамлакатлар ёки тараққий этган шаҳарларда яшаш осон, деб ўйлашади. Аслида, ундаймас. Дунё қанчалик ривожлангани, замонавий техника воситалари юксак чўққиларни забт этгани сайин инсоннинг яшаш тарзи шунчалик мураккаблашиб бораверади. Одамзоднинг оғирини енгили, узоғини яқин қилишга мўлжалланган турли-туман техника воситаларидан меъёридан ортқ фойдаланиш инсон руҳиятини фалаж қилиб, уни ўйлаш ва мушоахадга қилишдан йироқлаштиради. Замонавий техника воситаларининг оҳангжамасига асир бўлган инсон эса, оқибатда, ҳеч нарсага ўйламайди, жонли оламдан кўра виртуал оламда яшашни устун билиб, туну-кун ўзи билан ўзи овора, лоқайд бўлиб бораверади.

Бундан атиги 10-15 йил олдин кўл телефони кўпчилик учун етиб бўлмас оруз ва ҳайратли техника воситаси ҳисобланарди. Бугун уни боғча боласи ҳам беамалол ишлата олади. Гарчи у бажарадиган амаллар қанчалик кўп бўлмасин, энди ҳеч кимни ортқ хайратга сола олмайд. Инсон — табиат маҳсули. У ўзини қачон эр фарзанди сифатида ҳис қила олсагина ўз рўҳий оламини турли бўҳронлардан асрай олади. Йўқса...

Фотосуратларим орасида она табиат ва Ватан манзаралари, бахтли болалик портретлари, гуллар олами ва бошқа кўллаб мавзу ва жанрдаги ишлар ўрин олган. Ана шу фотосуратларим билан инсонларни ҳайратга солиб, уларнинг қалб оламини очишга ҳаракат қиламан.

## Сўхбатдош:

Дилфуза РҲЗИЕВА,  
«Миллий тикланиш» мухбири

## ҲИҚМАТ

Ҳаддан ташқари жимжимадор услуб характери ларни ҳам, фикрларни ҳам бўшаштиради.

Арасты

Оддийгина гапирётган нотикқа тақлид этиш аввалига жуда осондай туюлади, ҳолбуки тажриба шуни кўрсатадики, аслида бундан қийинроқ нарса йўқ.

Цитерон

## ТИББИЙ МАСЛАХАТ

## Дўлана

Мева таркибида тритерпин сапонинлар, хлороген ва кислоталар, флювоноидлар, холин, ацетилхолин, ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд.

Дўлана майиюн ойларида гуллади, меваси эса август-сентябрь ойларида пишиб етилади. Унинг мевалари қизилкўнгир рангда бўлади. Гулларининг ўзига хос ҳиди бўлиб, аччиқроқ таъмга эга. Абу Али ибн Синонинг «Тибб кунулар»да берилган таърифга кўра, дўлана мевалари буриштурувчандир. Буриштириш таъсири жийданикидан кучлидир, сафрони сўндиради ва ички тўхтатади. Замонавий таъбиотда дўлананинг 6 туридан самарали фойдаланилади. Улар орасида кенг тарқалгани қизил, яъни, Туркистон дўланасидир. Унинг меваси ва гули асосан юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда, асабини тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи дори сифатида қўлланилади. Юртимизда дўлананинг бир неча тури учрайди. Айниқса, сариқ дўлана ўзининг хушбўлиги ва иштаха очарлиги боис халқимиз томонидан бирдек севиб истеъмол қилинади.



## БИЛАСИЗМИ?

Исландияда фамилиялардан даярли фойдаланилмайди. Ҳатто, расмий мурожаатларда ҳам кўпинча инсоннинг фамилияси ўрнига отасининг исми айтилади.

\* \* \*

Қадимги Грецияда тошбақа уй бекасининг рамзи ҳисобланган.

## ТУРФА ОЛАМ

## Кўхна хазина

ИСРОИЛЛИК АРХЕОЛОГЛАР ТАХМИНАН 1,5 МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ВИЗАНТИЯ ТАՒГАЛАРИНИ ТОПИШГАН.

Манбада келтирилишича, қазималар чоғида топилган 400 га яқин тангадан ташқари, бир неча тилла узук ва тақинчоқлар ҳам чиққан. Олимлар уларда аллақандай битиклар борлигини айтишмоқда. Бундан ташқари, топилма жойида идиш-товуқлар ҳамда шишадан ишланган буюмлар борлиги аниқланган. Энг қизиғи, барча артефактлар бир жойдан, устига-устак чуқурлиги 30 метрлик чикиндилар ўрасидан топилган. Ҳозирда ушбу топилмалар мутахассислар томонидан ўрганилаётти

## Скрипкалар музейи

ШУ ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА СКРИПКА УСТАСИ АНТИОНИО СТРАДИВАРИ ТУҒИЛИБ ЎСГАН КРЕМОН ШАҲРИДА СКРИПКАЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛАДИ.



Очилажак музейнинг тўққизта зали скрипкалар тарихига бағишланиши кутилмоқда. Зиёратчилар ушбу залда илк скрипка, унинг яралиши ва тайёрланиши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишади. Колаверса, музейда бир неча ноёб скрипкаларнинг расми, моделлари, шунингдек, Страдивари устахонасида тайёрланган мусика асбоблари намойиш қилиниши режалаштирилган. Музей 500 кишини сигдирга оладиган концерт залига ҳам эга. Айтишларича, бу ерда классик мусика кечалари, музей фаолиятини билан боғлиқ тадбирлар ўтказилади. Мусиқа ихлосмандларига эса ушбу залда мавжуд скрипкаларда чалиб кўриш имкони ҳам берилади.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Салиев Азимжан Ахматович номига берилган Шайхонтохур тумани Р.Файзиёв кучаси 1 уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.